

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

52-сон
(1072)
2022 йил
декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

477. «Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги ПФ–287-сон Фармони

Бешинчи бўлим

478. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 19 декабрдаги 2022-39-сон «Қўшилган қиймат солиғи тўловчиларни махсус ҳисобга қўйиш тизимида этил спирти ҳамда алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун солиқ хавфи мезонларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3405)

479. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 22 ноябрдаги

- 63-сон «Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3406*)
480. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизмати-ни ривожлантириш агентлиги директорининг 2022 йил 21 ноябрда-ги 2-2022-сон «Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самардорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш услубиятини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3407*)
481. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 27 декабрдаги 36-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 17 декабрдаги 68ққ-сон ва Молия вазирлигининг 2022 йил 26 декабрдаги 69-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3408*)
482. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 9 декабрдаги 67-сон «Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-12*)
483. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 21 декабрдаги 236-мх-сон ҳамда Маданият вазирлигининг 2022 йил 12 декабрдаги 1-ҚҚ-сон «Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекцияси тўғрисида низомнинг 13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2077-3*)
484. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 28 декабрдаги 68-сон «Крипто-активлар айланмаси соҳасида тартибга солиш махсус режимида («Тартибга солиш қумдони» махсус режими) иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3409*)
485. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 1 декабрдаги 27/14-сон «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир

йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3028-6*)

486. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 22 ноябрдаги 63-ққ-сон ва Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 11 ноябрдаги 362-В-сон «Ички ишлар органларининг банклардаги ҳисобварақларидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш мақсадида нақд миллий ва чет эл валютасини олиш, улардан фойдаланиш, сақлаш ҳамда қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3410*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

477 Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Худудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни қисқартириш, туман ва шаҳарларни уларнинг шароити, салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб ривожлантириш бўйича янгича ёндашувларни жорий этиш, шунингдек, тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, давлат кўмагини бериш тартибини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Статистика агентлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг 2023 йил 1 январдан бошлаб:

1-иловага** мувофиқ республика туман ва шаҳарларини 5 та тоифага ажратиш;

туман ва шаҳар тоифасидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари, субсидиялар ва уларни қўллаб-қувватлашнинг бошқа чораларини қўллаш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар солиқ солишнинг қуйидаги табақалаштирилган тартиби жорий этилсин:

а) 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу худудларда фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари (йирик солиқ тўловчилар, доимий муассаса, бюджет ташкилоти ва давлат корхонаси, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар бундан мустасно):

фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ ва ижтимоий солиқни 1 фоиз;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини мазкур солиқлар бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдоридagi солиқ ставкалари бўйича тўлайди;

б) 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу худудларда фаолият юритадиган якка тартибдаги тадбиркорлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаларини тўлашдан озод қилинади;

в) 4-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу худудларда фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари (йирик солиқ тўловчилар, доимий

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 30 декабрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

муассаса, бюджет ташкилоти ва давлат корхонаси, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар бундан мустасно) учун айланмадан олинadиган солиқнинг базавий солиқ ставкаси 3 фоиз этиб белгиланади. Бунда, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда мазкур солиқ бўйича пасайтирилган солиқ ставкалари сақлаб қолинади;

г) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига 4-тоифадаги туманлар бўйича:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинadиган ер солиғи бўйича Солиқ кодекси билан белгиланган энг кам қийматларга 0,3 гача;

якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган миқдордаги жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича 0,5 гача камайтирувчи коэффициент киритиш ҳуқуқи берилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бир ой муддатда Солиқ кодексига мазкур банддан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Белгилансинки, 2023 йил 1 январдан бошлаб Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан:

а) умумий белгиланган шартлар доирасида 4 ва 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган кичик тадбиркорлик субъектларига:

тижорат банкларининг кредит ва лизинглари бўйича унинг асосий ставкадан ошган, бироқ Марказий банк асосий ставкасининг 40 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун компенсация тақдим этилади;

тижорат банклари кредитларининг 75 фоизигача, бироқ умумий қиймати 2,5 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафиллик тақдим этилади;

б) кичик тадбиркорлик субъектларига таваккалчилик даражасидан келиб чиққан ҳолда, улар аввал олган кредитлари бўйича мазкур Жамғарма кафиллигидан фойдаланаётган бўлишидан қатъи назар қўшимча кредитлар бўйича белгиланган умумий миқдор ва шартлар доирасида кафилликлар тақдим этилади.

4. Қуйидагилар:

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратишнинг оширилган миқдорлари 2-иловага* мувофиқ;

тадбиркорлик фаолиятини туман ва шаҳарларнинг тоифаларидан келиб чиқиб, қўллаб-қувватлаш чоралари 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда халқаро молия институтлари ҳамда илмий ташкилотларнинг экспертларини жалб қилган ҳолда:

2023 йил 1 октябрга қадар баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари ҳамда ҳисоблаш усулларининг ҳаққонийлиги ва шаффофлигини таъминловчи туман ва шаҳарларни тегишли тоифаларга ажратишнинг ахборот тизимини (кейинги ўринларда — ахборот тизими) жорий қилсин. Бунда, ахборот ти-

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

зимини ишлаб чиқиш, ишга тушириш ва уни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

ҳар уч йилда Давлат бюджети параметрларини шакллантириш жараёнида туман ва шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатидан келиб чиқиб, уларнинг тоифаларини ўзгартириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб борсин.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ҳамда ҳудудларга тақдим этилган солиқ ва божхона имтиёзлари, субсидиялар, шунингдек, бошқа турдаги қўллаб-қувватлаш чораларининг (кейинги ўринларда — давлат кўмаги) самарадорлигини баҳолаш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ йил якунлари бўйича:

тармоқ вазирлик ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари соҳани ва (ёки) ҳудудни ривожлантириш учун берилган алоҳида давлат кўмаги самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботларни ҳар йили 1 мартга қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ҳисоб палатаси билан биргаликда ҳар йили 1 апрелга қадар давлат кўмагининг самарадорлигини баҳолаш якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий ахборот киритиб боради.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2023 йил 1 июлга қадар давлат кўмагининг манзиллилиги ва самарадорлигини баҳолаш тартиби ҳамда ҳисобот шакллари тасдиқласин. Бунда, баҳолашнинг асосий мезонлари этиб қуйидагилар белгилансин:

янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари ва яратилган иш ўринлари сони;

товар (хизматлар)ни реализация қилиш бўйича айланманинг ўсиш суръати; кўрилган фойда ва олинган дивидендлар ҳажми;

давлат кўмаги берилгандан сўнг киритилган хусусий инвестициялар ҳажми.

8. Белгилаб қўйилсинки:

а) барча турдаги субсидиялар «2+1» тамойили асосида жорий этилади. Бунда, субсидия дастлабки икки йил давомида тақдим этилади ва уни баҳолаш натижалари бўйича самарадорлик кўрсаткичлари ижобий деб топилганда, субсидиянинг амал қилиш муддати қўшимча бир йилга узайтирилади;

б) амал қилиш муддати белгиланмаган субсидиялар 2025 йил 1 январга қадар жорий этилган ҳисобланади;

в) қуйидаги ҳолларда субсидиялар улар ажратилган кундан бошлаб Марказий банкнинг асосий ставкасида ҳисобланган фоиз тўловлари (пеня) билан субсидия олувчилардан қайтариб олинади:

тақдим этилган субсидиялардан мақсадсиз фойдаланилганда;

субсидияларни қўллаш шартларига риоя этилмаганда;

субсидия олиш учун сохта ҳужжатлар тақдим этилганда.

Бунда, ҳисобланган фоиз тўловлари (пеня) миқдори берилган субсидия миқдорининг ярмидан кўп бўлмаслиги шарт.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳар йили ажратилган субсидиялардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан субсидия тақдим этувчи вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботини эшитиш амалиётини жорий этиш тавсия этилсин.

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб иқтисодиёт ва молия вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар олти ойда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 30 декабрь,
ПФ–287-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ**

478 Қўшилган қиймат солиғи тўловчиларни махсус ҳисобга қўйиш тизимида этил спирти ҳамда алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун солиқ хавфи мезонларини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3405*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ–73-сон «Ўзбекистон Республикасининг «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 21-банди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини солиқ органларида қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 48-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қўшилган қиймат солиғи тўловчиларни махсус ҳисобга қўйиш тизимида этил спирти ҳамда алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун солиқ хавфи мезонлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Савдо-саноат палатаси, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кирилади.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 19 декабрь,
2022-39-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 декабрда эълон қилинган.

Келишилди:

*Иқтисодий тараққиёт ва
камбағалликни
қисқартириш вазири*

Д. КУЧКАРОВ

2022 йил 15 декабрь

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2022 йил 9 декабрь

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

Д. КАСИМОВ

2022 йил 28 ноябрь

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

Д. ВАХАБОВ

2022 йил 2 декабрь

*Монополияга қарши курашиш
қўмитаси раиси*

Ш. ШАРАХМЕТОВ

2022 йил 1 декабрь

*Алкоголь ва тамаки бозорини
тартибга солиш ҳамда виночиликни
ривожлантириш агентлиги директори*

Р. БОБОЕВ

2022 йил 30 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил
19 декабрдаги 2022-39-сон қарорига
ИЛОВА

**Қўшилган қиймат солиғи тўловчиларни махсус ҳисобга қўйиш
тизимига этил спирти ҳамда алкоголь маҳсулотлари ишлаб
чиқарувчилар учун солиқ хавфи
МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Солиқ хавфи белгилари	Солиқ хавфи даражаси
1.	«Асл белгиси» маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизими ҳамда истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ҳисобга олиш ахборот тизимини жорий этмаган ёки фойдаланмаганда	Юқори
2.	Реал вақт режимда автоматлаштирилган кузатиш тизими (GPS) билан жиҳозланган ҳамда истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларнинг айланмаси ҳажмини ҳисобга олиш ҳамда узумзорларнинг ягона реестри ахборот тизимига интеграция қилинган электрон ҳисоблагич ўрнатилган автотранспорт воситаларида истеъмол ва техник этил спиртини реализация қилишни таъминламаганда	Юқори
3.	Барча истеъмол ва техник этил спирти ишлаб чиқариш ҳамда алкоголь маҳсулотларини қўйиш линияларида йиғма ҳисобга олиш маълумотлари кўрсаткичларини тегишли ҳимоялаш воситасига эга бўлган тайёр маҳсулотларни электрон ҳисоблагичлар мавжуд бўлмаганда	Ўрта
4.	Ташкилотлар томонидан доимий равишда устав фондининг қўйидаги миқдори таъминланмаганда: - истеъмол этил спирти ва ароқ ишлаб чиқарувчи ташкилотлар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 000 баравари - бошқа алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар (узум ва меваларни бирламчи қайта ишлаш ташкилотлари бундан мустасно) учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 000 баравари	Ўрта
5.	Ароқ ҳамда истеъмол этил спиртидан (узум ва резавор мева этил спиртидан ташқари) ароқ ва ликёр-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича мавжуд йиллик ишлаб чиқариш қувватларидан ўрнатилган қувватларнинг 60 фоизидан ва йиллик ишлаб чиқариш ҳажми абсолют алкогольга қайта ҳисоблаганда камида 100 минг декалитрдан кам бўлганда	Ўрта
6.	Ароқ ишлаб чиқармайдиган ташкилотларда истеъмол этил спиртидан (узум ва резавор мева этил спиртидан ташқари) ликёр-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича мавжуд йиллик ишлаб чиқариш қувватларидан ўрнатилган қувватларнинг 50 фоизидан кам бўлганда	Ўрта

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**479** Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3406*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги ПҚ–128-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бююрман:**

1. Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 22 ноябрь,
63-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2022 йил 22 ноябрдаги
63-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ички аудит тадбирларини ўтказиш
ҚЎЛЛАНМАСИ****1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Қўлланма вазирлик ва идораларнинг ички аудит тузилмалари (бундан буён матнда ички аудит хизматлари деб юритилади) томонидан ички аудит объектларида ички аудит тадбирларини ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ички аудит тадбирлари вазирлик ва идораларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш ва бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатларини профилактика қилиш, бюджет харажатларининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш ҳамда ички аудит фаолияти соҳасидаги ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилади.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 декабрда эълон қилинган.

3. Ушбу Қўлланмада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

аудит далиллари — ички аудит хизмати томонидан ички аудит тадбири давомида аудит усуллари ва таҳлилларни амалга ошириш орқали олинган маълумот ва ҳужжатлар;

аудит усуллари — ички аудит хизмати томонидан ички аудит тадбири давомида ички аудит объектининг молиявий фаолиятини ўрганиш ва аудит далилларини тўплаш мақсадида қўлланиладиган усуллар;

вазирлик ва идоралар — ички аудит хизмати ташкил этилган бюджет маблағлари тақсимловчилари ва улар тизимидаги бюджет ташкилотлари ҳамда давлат мақсадли жамғармалари;

ички аудит объекти — ички аудит тадбири амалга оширилиши назарда тутилган вазирлик ва идоралар;

ички аудит тадбири — ички аудит объектларида ички аудит хизмати мақсадларига эришишга қаратилган ички аудит хизмати ходими томонидан амалга ошириладиган жараён;

ички аудит тадбири дастури — ички аудит тадбирининг йўналишлари, муддати, ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи, ички аудит тадбири билан қамраб олинadиган давр тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи ҳужжат;

ички аудит тадбири йўналишлари — ички аудит тадбири билан қамраб олинган давр учун ички аудит тадбири ўтказиладиган масалалар;

ички аудит тадбири ҳисоботи — ички аудит тадбири яқунлари бўйича расмийлаштириладиган ва ўзида ички аудит тадбири давомида аниқланган ҳолатлар, жумладан қонунбузилиш ҳолатлари, бюджет интизоми ҳолати, кузатишлар натижалари, таклиф ва тавсиялар, ички аудит тадбири ҳисоботида келтирилган таклиф ва тавсияларни бажариш бўйича чора-тадбирлар режаси (бундан буён матнда чора-тадбирлар режаси деб юритилади) ҳамда ички аудит объекти томонидан тақдим этилган фикр ва мулоҳазалар (агар мавжуд бўлса) акс этадиган ҳужжат;

ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи — ички аудит тадбирини ўтказиш мақсадида ички аудит хизмати раҳбари томонидан ташкил этиладиган ҳамда ички аудит хизмати ходим(лар)и ва вазирлик ва идора тузилмасидан жалб қилинган мутахассислардан иборат гуруҳ. Бунда, ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳига ички аудит хизмати раҳбари ёки ходими раҳбарлик қилади;

ички аудит хизмати фаолияти тўғрисида ҳисобот — вазирлик ва идоранинг ички аудит хизмати фаолияти натижаларини ўзида акс эттирувчи чораклик ва йиллик муддатларда расмийлаштирилган ҳисобот;

хавф — маълум бир ҳодиса ёки ҳолатнинг вазирлик ва идораларнинг молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли;

хавф омиллари — хавфларнинг юзага келиш эҳтимолига таъсир кўрсатадиган ҳамда ички аудит объектлари хавф даражаларини аниқлашда фойдаланадиган омиллар;

хавф омили вазни — ички аудит объектининг хавф даражасини баҳолаш учун фойдаланиладиган ва хавф омилининг муҳимлик даражасини акс эттирувчи кўрсаткич;

чора-тадбирлар режаси — ички аудит тадбири натижасида аниқланган қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиши ҳолатлари ва уларнинг хавфини камайтириш ҳамда бартараф этиш юзасидан берилган таклиф ва тавсияларни бажарилиши бўйича тайёрланадиган ҳужжат.

4. Ички аудит тадбирларининг Ички аудит миллий стандартлари ҳамда ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўтказилишини назорат қилиш ички аудит хизмати раҳбари томонидан амалга оширилади.

2-боб. Ички аудит тадбирларини режалаштириш

1-§. Ички аудит йиллик режаси

5. Ички аудит йиллик режаси ички аудит хизмати томонидан хавф таҳлили асосида ҳамда мавжуд вақт ва инсон ресурсларини ҳисобга олган ҳолда бир календар йил учун ишлаб чиқилади.

6. Ички аудит йиллик режасида ички аудит тадбирлари ўтказиладиган ички аудит объектлари рўйхати, ички аудит тадбирини ўтказиш муддати, ички аудит тадбири билан қамраб олинадиган давр ва масъул ходим(лар) кўрсатилади.

7. Ички аудит йиллик режасини ишлаб чиқиш қўйидаги босқичларда амалга оширилади:

ички аудит объектлари рўйхатини шакллантириш;

ички аудит объектларининг хавф даражасини баҳолаш;

ички аудит хизматидаги мавжуд ресурсларни (инсон ва вақт ресурслари) аниқлаш;

ички аудит йиллик режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

2-§. Ички аудит объектлари рўйхатини шакллантириш

8. Ички аудит объектлари рўйхати вазирлик ва идора марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва унинг ташкилий тузилмасига кирувчи бюджет ташкилотлари ҳамда давлат мақсадли жамғармаларини ўз ичига олади.

9. Ички аудит объектлари рўйхати ҳар йили ички аудит йиллик режасини ишлаб чиқиш жараёнида шакллантирилади ҳамда вазирлик ва идора ташкилий тузилмасидаги ўзгаришлардан келиб чиқиб бир йилда камида бир марта янгилаб борилади.

Бунда, ички аудит объектлари рўйхати вазирлик ва идора тизимидаги ички аудит объектлари сонидан келиб чиқиб ҳудудлар кесимида шакллантирилиши мумкин.

3-§. Ички аудит объектларининг хавф даражасини баҳолаш

10. Ички аудит объектлари хавф таҳлили асосида баҳоланади ҳамда баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб уларнинг хавф даражаси аниқланади.

11. Ички аудит объектларини хавф таҳлили асосида баҳолаш хавф омилларини белгилаш ҳамда уларга тегишли мезонлар ва хавф омили вазни асосида балл бериш орқали ички аудит объектларини хавф даражасини аниқлашни ўз ичига олади.

12. Хавф омилларини белгилашда ички аудит объектининг молиявий фаолиятида хавфларнинг юзага келишига таъсир этувчи омиллар ҳисобга олинади.

13. Ички аудит хизмати томонидан ички аудит объекти хавф даражаларини аниқлашда қуйидаги хавф омилларидан фойдаланилади:

ички аудит объектининг йиллик молиялаштириш ҳажми;

ички аудит объектига ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиши;

ички аудит объектида раҳбарият ва молия-хўжалик тузилмалари ходимларининг қўнимсизлиги;

ички аудит объекти молиявий фаолиятига оид жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари;

ички аудит объектида фаолият юритаётган ходимлар сони;

ички аудит объектининг молиялаштириш манбалари сони;

ички аудит объектида ўтган давр мобайнида амалга оширилган транзакциялар сони;

ички аудит объектида ўтган давр мобайнида тузилган шартномалар сони;

ички аудит объектида сўнгги беш йил ичида молиявий назорат ва ички аудит тадбири амалга оширилмаган давр;

ички аудит объектининг дебитор қарздорлик ҳажмининг ўсиши;

ички аудит объектининг кредитор қарздорлик ҳажмининг ўсиши.

14. Ички аудит хизмати томонидан мавжуд ички аудит объектларида камида бир маротаба ички аудит тадбири ўтказилган бўлса қуйидаги хавф омиллари ҳам қўлланилади:

аввалги ўтказилган ички аудит тадбири натижалари;

ички аудит хизмати таклиф ва тавсияларининг бажарилиши.

15. Ички аудит объектларини хавф таҳлили асосида баҳолашда ички аудит объекти фаолиятидан келиб чиқиб ҳамда вазирлик ва идорада фойдаланиладиган дастурий мажмуалардан ҳамда белгиланган тартибга мувофиқ давлат органлари ва ташкилотларининг базаларидан олинган маълумотлардан фойдаланиб қўшимча хавф омиллари қўлланилиши мумкин.

16. Ички аудит объектларини хавф таҳлили асосида баҳолашда камида 4 та хавф омилидан фойдаланилади ҳамда ички аудит хизмати томонидан бутун сонлардаги 1 — 3 балл бериш орқали баҳоланади.

Бунда, 3 балл тегишли хавф омилининг энг юқори даражасини ва 1 балл тегишли хавф омилининг энг паст даражасини билдиради.

17. Ички аудит хизмати томонидан хавф омилларига балл беришда ҳар

бир хавф омилига мезонлар ишлаб чиқилади ҳамда ички аудит хизмати раҳбари томонидан тасдиқланади.

18. Ички аудит хизмати томонидан танлаб олинган хавф омилларининг муҳимлилик даражасидан келиб чиқиб, уларга хавф омили вазни белгиланади.

Бунда, белгиланган хавф омили вазнининг умумий миқдори 1 га (100 фоизга) тенг бўлиши керак.

19. Хавф омилига қўйилган баллни хавф омили вазнига кўпайтириш орқали хавф омили қиймати ҳисоблаб чиқарилади ҳамда танлаб олинган хавф омиллари қийматларининг йиғиндисини ҳисоблаш асосида ички аудит объектининг хавф даражаси аниқланади.

20. Хавф даражасининг қиймати 2 ва ундан юқори бўлганда, ички аудит объектига «юқори» хавф даражаси, 1,5 ва 2 оралиғида бўлса (1,5 ҳам кирази), «ўрта» хавф даражаси, 1 ва 1,5 оралиғида бўлса, «паст» хавф даражаси белгиланади.

21. Ички аудит объектлари хавф даражасини хавф омиллари таҳлили асосида баҳолаш мазкур Қўлланманинг 1-иловасига* мувофиқ амалга оширилади.

4-§. Ички аудит хизматидаги мавжуд ресурсларни аниқлаш

22. Ички аудит йиллик режаси ички аудит хизмати ходимлари сони ва ички аудит тадбирларини амалга ошириш учун мавжуд вақт ресурсларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

23. Ички аудит хизмати томонидан ички аудит тадбирларини ўтказиш жараёнида махсус касбий билимларни талаб этадиган масалаларни кўриб чиқиш учун вазирлик ва идора раҳбарининг розилиги билан вазирлик ва идоранинг тузилмасидаги мутахассислар жалб қилинади.

Бунда, ички аудит хизмати томонидан манфаатлар тўқнашувининг юзага келмаслиги таъминланиши лозим.

24. Ички аудит тадбирларини ўтказиш учун ходимларни тақсимлашда уларнинг билим, кўникма ва тажрибаси ҳисобга олинади.

25. Ички аудит хизмати томонидан ички аудит йиллик режасини амалга ошириш учун мавжуд вақт ресурсларини ҳисоблашда режалаштирилаётган календар йили давомидаги ишланмайдиган кунлар (қонунчиликда белгиланган дам олиш, байрам, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик ва таътил кунлари) ҳамда режадан ташқари ички аудит тадбирлари ҳисобга олинади.

Бунда режадан ташқари ички аудит тадбирларига ажратиладиган вақт ресурслари жами вақт ресурсларининг йигирма фоиздан ортиб кетишига йўл қўйилмайди.

26. Ички аудит хизмати томонидан мавжуд вақт ресурсларини ҳисоблаш мазкур Қўлланманинг 2-иловасидаги* шаклга мувофиқ ишлаб чиқилади.

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5-§. Ички аудит йиллик режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш

27. Ички аудит хизмати томонидан келгуси йил учун ички аудит йиллик режаси ҳар йили декабр ойининг 15 санасига қадар мазкур Қўллан-манинг 3-иловасига* мувофиқ шаклда ишлаб чиқилади.

28. Ички аудит йиллик режасига ички аудит объектлари хавф даражасидан келиб чиқиб киритилади.

Бунда, ички аудит йиллик режасига «юқори» хавф даражасига эга бўлган ички аудит объектларидан бошлаб хавф омили қийматидан келиб чиқиб киритилади.

29. Хавф даражаси «юқори» бўлган ички аудит объектларини ички аудит йиллик режаси билан қамраб олиш учун ходимлар сони ҳамда вақт ресурслари етарли бўлмаган тақдирда, ички аудит йиллик режаси билан қамраб олинмаган ички аудит объектлари келгуси йил учун тузиладиган ички аудит йиллик режасига киритилади.

Бунда, ушбу ички аудит объектларида келгуси йил учун такроран хавф таҳлили асосида баҳолаш амалга оширилади.

30. Ички аудит объектларини ички аудит йиллик режасига киритишда вазирлик ва идора раҳбарининг фикр-мулоҳазалари ҳам инобатга олинади.

Бунда, вазирлик ва идора раҳбари томонидан «юқори» хавф даражасига эга бўлган ички аудит объектининг ички аудит йиллик режасидан чиқариб ташланишига йўл қўйилмайди.

31. Хавф даражаси «юқори» ҳамда бир хил хавф омили қийматига эга бўлган ички аудит объектларини ички аудит йиллик режаси билан қамраб олиш имкони бўлмаган тақдирда, мазкур ички аудит объектлари учун қўшимча хавф омиллари таҳлили амалга оширилади.

32. Ички аудит йиллик режаси ишлаб чиқилгандан сўнг уч иш куни ичида вазирлик ва идора раҳбарига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритилади ҳамда ҳар йили декабр ойининг 25 санасига қадар тасдиқланади.

33. Ички аудит йиллик режаси тасдиқлангандан сўнг уч иш куни ичида ички аудит хизмати томонидан «Давлат аудити» дастурий комплексига киритилади.

6-§. Ички аудит йиллик режасининг бажарилиши

34. Ички аудит хизмати томонидан ички аудит йиллик режасига киритилган ички аудит объектларида ички аудит тадбирлари ўтказилиши мажбурий ҳисобланади.

35. Ички аудит йиллик режасига киритилган ички аудит объектларида ички аудит тадбирлари ўтказилмаган тақдирда, ички аудит хизмати фаолияти тўғрисида ҳисоботда бу бўйича аниқ сабаблари кўрсатилган маълумот акс эттирилади.

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3-боб. Ички аудит тадбирини ўтказиш тартиби**1-§. Умумий қоидалар**

36. Ички аудит тадбири ички аудит хизмати томонидан ички аудит йиллик режасига асосан ўтказилади.

Ички аудит тадбирини ички аудит объектида давлат молиявий назорати органлари билан биргаликда ўтказилишига йўл қўйилмайди.

37. Режадан ташқари ички аудит тадбирлари бюджет тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги фактлари тўғрисида маълумотлар келиб тушган ҳолларда ҳамда фуқаролар иштирокидаги аудит тизими орқали ички аудит тадбири ўтказиладиган ички аудит объектлари аниқланганда вазирлик ва идора раҳбари қарори асосида амалга оширилади.

Бунда, ушбу ички аудит тадбирлари мазкур Қўлланмага мувофиқ тартибда амалга оширилади.

38. Ички аудит тадбири ички аудит объектининг асосий иш фаолиятига халақит қилмаган ҳолда мазкур Қўлланма ва ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ички аудит хизмати томонидан ўтказилади.

39. Ички аудит тадбирини ўтказиш муддати йигирма иш кунидан ошмаслиги керак.

40. Ички аудит тадбирини ўтказиш муддати ички аудит объектида ички аудит тадбирини ўтказиш, уни натижалари бўйича таклиф ва тавсиялар, чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқланишини ҳамда ички аудит тадбири ҳисоботини расмийлаштиришни ўз ичига олади.

41. Ички аудит тадбири давомида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларида жиноят аломати (шу жумладан, ички аудит тадбирини амалга оширган шахслар томонидан) мавжуд бўлган тақдирда, тегишли чоралар кўриш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга материалларни юбориш юзасидан вазирлик ва идора раҳбарини ёзма равишда хабардор қилади.

Бунда, вазирлик ва идора раҳбари ҳолат бўйича белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга материалларни юбориш чораларини кўради.

42. Ички аудит объектида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан суриштирув ёки дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилаётган бўлса, ушбу объектда ички аудит тадбири ўтказилмайди.

43. Ички аудит хизмати ходимлари ички аудит тадбирини ўтказиш вақтида ўзига маълум бўлиб қолган давлат сирларини ёки қонунчилик билан қўриқланадиган бошқа сирларни ошкор этмасликка мажбур.

2-§. Ички аудит тадбирини ўтказиш учун ички аудит хизмати ходимларини белгилаш

44. Ички аудит тадбири ички аудит хизмати ходимларининг сонидан келиб чиқиб ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи ёки ички аудит хизмати ходими томонидан амалга оширилади.

Бунда, ички аудит тадбири ички аудит хизмати ходими томонидан ўтказилганда, мазкур Қўлланмадаги ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳига тегишли қоидалар ички аудит хизмати ходимига нисбатан ҳам қўлланилади.

45. Ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи ўз таркибига гуруҳ раҳбари ва гуруҳ аъзоларини олади. Ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи ички аудит тадбирини ўтказиш учун билим ва кўникмага эга бўлиши лозим.

46. Ички аудит хизмати раҳбари ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳида манфаатлар тўқнашуви юзага келмаслигини таъминлаши шарт. Агар шундай ҳолат аниқланган тақдирда, ички аудит хизмати раҳбари ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи таркибини қайта кўриб чиқиши лозим.

47. Ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи раҳбари ички аудит тадбирини мувофиқлаштиради ва ички аудит тадбири дастурига асосан ўтказилишини таъминлайди.

48. Ички аудит хизмати ходимига бир вақтнинг ўзида биттадан ортик ички аудит тадбирларини ўтказиш ёки унда иштирок этиш мажбуриятини юкланишига йўл қўйилмайди.

3-§. Ички аудит тадбирини ўтказиш тўғрисида ички аудит объектини хабардор қилиш

49. Ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи томонидан ички аудит объекти ички аудит йиллик режасига асосан ўтказиладиган ички аудит тадбири тўғрисида мажбурий тартибда ёзма равишда хабардор қилинади.

Бунда, хабарнома ички аудит тадбири бошланишидан камида беш иш куни аввал ички аудит объекти раҳбарига юборилади.

50. Режадан ташқари ўтказиладиган ички аудит тадбири тўғрисида ички аудит объекти ички аудит тадбири ўтказилишидан камида бир иш куни олдин хабардор қилинади.

51. Мазкур хабарномада ички аудит тадбири давомида бажариладиган ишлар тўғрисида қисқача маълумот, ички аудит тадбирини ўтказишда тақдим этилиши лозим бўлган маълумотлар ва ҳужжатлар рўйхати ҳамда уларни тақдим этиш муддатлари, ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи аъзолари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

52. Ички аудит тадбирини ўтказиш тўғрисидаги хабарнома ички аудит хизмати раҳбари томонидан имзоланади.

53. Ички аудит тадбирини ўтказиш тўғрисидаги хабарномада сўралган маълумот ва ҳужжатлар ички аудит объекти томонидан уч иш куни ичида ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳига тақдим этилади.

54. Ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи хабарнома юборгандан сўнг ички аудит объекти таклифига мувофиқ ички аудит объектининг молиявий фаолияти билан танишиш, ички аудит тадбири дастурини тузиш юзасидан юзма-юз ёки масофавий учрашув (телефон, интернет аудио ва видео алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда) ўтказиши мумкин.

55. Ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳининг ички аудит объекти

билан ўтказилган учрашуви белгиланган тартибда баённома тузиш йўли билан расмийлаштирилади ҳамда ички аудит тадбири ҳисоботига илова қилинади.

4-§. Ички аудит тадбири дастурини тузиш

56. Ички аудит тадбири дастури ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи раҳбари томонидан ички аудит тадбири ўтказилишидан олдин ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

57. Ички аудит тадбири дастури ички аудит объекти молиявий фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳисоботлар, статистик маълумотлар ва молиявий-хўжалик фаолиятини тавсифловчи бошқа материаллар ҳамда ички аудит объекти томонидан хабарномага асосан тақдим этилган маълумот ва ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида тузилади.

Бунда, ички аудит объекти томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳам инobatга олиниши мумкин.

58. Ички аудит тадбири дастурини тузишда ички аудит хизмати томонидан вазирлик ва идорада фойдаланиладиган ахборот тизимларидан ва белгиланган тартибга мувофиқ давлат органлари ва ташкилотларининг базаларидан олинган маълумотлардан фойдаланиб ички аудит объекти молиявий фаолиятига оид маълумот ва ҳужжатлар ҳам ўрганилади.

59. Ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи раҳбари ўрганилган маълумот ва ҳужжатлардан келиб чиқиб, ички аудит объектида ўтказиладиган ички аудит тадбири йўналишларини белгилайди.

Бунда, йўналишларни белгилашда ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи раҳбари ички аудит хизмати ходимларининг билим ва кўникмасини ҳамда ички аудит тадбирини ўтказиш муддатини ҳисобга олиши зарур.

60. Ички аудит тадбири дастури ички аудит тадбири йўналишлари, ички аудит тадбири муддати, ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи, ички аудит тадбири билан қамраб олинadиган давр, аудит усуллари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

61. Ички аудит тадбири дастури мазкур Қўлланманинг 4-иловасидаги* шаклга мувофиқ ишлаб чиқилади.

62. Ички аудит тадбири дастурига ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи раҳбари томонидан зарур ҳолларда, жумладан қўшимча ҳужжат ва маълумотларнинг олиниши ва қўшимча аудит далилларининг аниқланиши билан боғлиқ ҳолларда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

5-§. Ички аудит тадбирини амалга ошириш

63. Ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи раҳбари ички аудит тадбири дастурида белгиланган йўналишлар бўйича ички аудит тадбири ўтказилишини, ички аудит тадбири натижаларини белгиланган тартибда расмийлаштирилишини назорат қилади.

64. Ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи ички аудит объектининг

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

молиявий фаолиятига оид аудит далилларини олиш мақсадида ички аудит объектида маълумотлар ва ҳужжатлар таҳлилини амалга оширади.

Бунда, ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи аввалги ички аудит тадбири ҳисоботлари, шунингдек давлат молиявий назорати органларининг тегишли маълумотларидан фойдаланиши мумкин.

65. Ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи ички аудит тадбирини ўтказишда қуйидагиларга ҳақли:

ички аудит тадбирини ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни ички аудит объектининг масъул ходимларидан электрон, оғзаки ва ёзма шаклда сўраш ва олиш;

ўз ваколатларини мустақил равишда, фақат қонунчилик ҳужжатларига бўйсунган ҳолда амалга ошириш;

ички аудит объектининг мансабдор шахси ҳамда ички аудит тадбири ўтказилаётган соҳага масъул бўлган шахслардан юзага келаётган масалалар бўйича тушунтириш олиш;

ички аудит объектларининг тегишли ходимларидан ички аудит тадбирлари натижалари бўйича ҳужжатларни имзолашни сўраш;

ички аудит тадбирини ўтказишда махсус касбий билимларни талаб этадиган масалаларни кўриб чиқиш учун вазирлик ва идораларнинг тузилмасидаги мутахассисларни жалб этиш;

ички аудит тадбирларини ўтказиш мақсадида қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳолларда, ички аудит объектининг барча биноларига, шунингдек, электрон ва қоғоз архивлари ҳамда ахборот тизимларига кириш ва улардан фойдаланиш;

жиноят аломатлари аниқланган ҳолларда, касса ва касса бинолари, омборлар, архивлар ва бошқа биноларни муҳрлаш, қалбакилаштириш, сохталаштириш ва бошқа суиистеъмолликлар аломатлари аниқланган тақдирда, ички аудит объектидан тегишли ҳужжатларни олиб қўйиш, шунингдек, вазирлик ва идораларнинг мансабдор шахсларидан асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар хатловдан ўтказилишини талаб қилиш;

ички аудит тадбирининг натижаларини қайд этиш учун техник воситалардан, шу жумладан, аудио-фото ва видео қайд этиш воситаларидан фойдаланиш.

66. Ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи томонидан ички аудит тадбири давомида аудит далиллари олиш ҳамда керакли таклиф ва тавсияларни шакллантириш учун қуйидаги аудит усулларидан фойдаланилади:

танлов усули — ички аудит тадбири йўналишидан келиб чиқиб муайян давр учун ички аудит объектининг фаолиятига тегишли айрим ҳужжатларни ўрганиш;

умумий ўрганиш усули — ички аудит тадбири йўналишидан келиб чиқиб муайян давр учун ички аудит объектининг фаолиятига тегишли барча ҳужжатларни ўрганиш.

67. Ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи томонидан аудит усулини

қўллашдан аввал ички аудит тадбирига тегишли маълумотлар ва ҳужжатларнинг тўлиқлигига ишонч ҳосил қилиниши лозим.

68. Ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи томонидан аудит усуллари асосида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари ва уларнинг юзага келиш сабаблари таҳлил қилинади.

69. Ички аудит хизмати томонидан ички аудит тадбири давомида аниқланган бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатларини, уларни содир этишга имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида ички аудит объектларига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар берилади.

70. Ички аудит хизмати ички аудит тадбири давомида аниқлаган ҳамда вазирлик ва идора ваколати доирасида ҳал этиш имкони бўлмаган бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатлари юзасидан Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекциясини бир иш куни ичида хабардор қилади.

6-§. Ички аудит тадбири жараёнини расмийлаштириш

71. Ички аудит тадбири жараёни, шу жумладан аудит далиллари ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи томонидан иш ҳужжатлари кўринишида расмийлаштирилади.

72. Иш ҳужжатлари ички аудит хизмати томонидан ички аудит тадбири давомида тайёрланган ҳужжатлар, аудит усули натижалари, баённомалар, далолатномалар, маълумотномалар, кўрсатмалар, ҳисобот, таклиф ва тавсиялар, таҳлиллар, чора-тадбир режаларини ўз ичига олади.

73. Иш ҳужжатлари моддий кўринишда (босма ёки қўлда ёзилган ҳужжатлар) ҳамда электрон шаклда вазирлик ва идоранинг ички талабларига ҳамда амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ сақланиши лозим.

74. Ички аудит тадбири яқунлангандан сўнг ҳужжатларнинг асл нусхалари тўлиқ ҳажмда ички аудит объектига қайтарилади ёки аниқланган қонунбузилиш ҳолатларида жиноят аломатлари мавжудлигига шубҳа туғилган ҳолларда ҳужжатларнинг асл нусхалари вазирлик ва идора раҳбарини хабардор қилиш учун ички аудит хизмати раҳбарига тақдим этилади.

7-§. Ички аудит тадбири натижалари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш

75. Ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи томонидан олинган аудит далилларини ўрганиш ва таҳлил натижалари асосида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Бунда, ички аудит хизмати ходимларининг таклиф ва тавсиялари ички аудит объекти фаолиятида бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши, бюджет интизомини мустаҳкамланишига қаратилган ҳамда ички аудит объекти молиявий фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган бўлиши зарур.

76. Ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ички аудит йиллик режасига асосан келгусида ички аудит тадбири ўтказилиши режалаштирилган ички аудит объектларига молиявий хато ва камчиликларни минималлаштириш ва қонунбузилиш ҳолатларининг юзага келиш эҳтимолини олдини олиш мақсадида ички аудит хизмати раҳбарининг қарори билан юборилиши мумкин.

77. Ички аудит тадбири якуни бўйича ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи ва ички аудит объектининг масъул шахслари иштирокида йиғилиш ўтказилади.

Бунда, олинган аудит далиллари, натижалар, таклиф ва тавсияларни кўриб чиқилади ва муҳокама қилинади.

78. Йиғилиш натижалари юзасидан баённома расмийлаштирилади ва ички аудит тадбири ҳисоботиغا илова қилинади.

4-боб. Ички аудит тадбири ҳисоботи

79. Ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи ички аудит тадбири натижалари юзасидан ҳисобот расмийлаштиради.

80. Ички аудит тадбири ҳисоботи ички аудит тадбири натижалари, таҳлиллар, кузатишлар, таклиф ва тавсиялар, чора-тадбирлар режаси ҳамда ички аудит объекти томонидан тақдим этилган фикр-мулоҳазаларни (агар мавжуд бўлса) ўз ичига олади.

81. Ички аудит тадбири ҳисоботида ички аудит тадбири давомида аниқланган аудит далиллари, ижобий ўзгаришлар ва аниқланган салбий ҳолатлар, камчиликлар ҳамда номувофиқликлар ҳолис акс этирилиши шарт.

82. Ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи томонидан ички аудит тадбири ҳисоботи лойиҳаси тайёрланади ҳамда ички аудит объектига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

83. Ички аудит объекти томонидан ички аудит тадбири ҳисоботи лойиҳасини кўриб чиқиш муддати бир иш кунидан ошмаслиги лозим.

Бунда, ички аудит объекти ички аудит тадбири ҳисоботи лойиҳаси бўйича белгиланган муддатда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмаса, ички аудит тадбири ҳисоботи лойиҳаси ва унда келтирилган хулосалар, таклиф ва тавсиялар фикр-мулоҳаза ва эътирозларсиз кўриб чиқилган ҳисобланади.

84. Ички аудит объекти ички аудит тадбири ҳисоботи лойиҳаси бўйича фикр-мулоҳазалари ва эътирозларини ёки фикр-мулоҳазалари ва эътирозлари мавжуд эмаслигини ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳига ёзма равишда тақдим этади.

85. Ички аудит объекти томонидан тақдим этилган фикр-мулоҳазалар ва эътирозлар ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи томонидан асосли деб топилган тақдирда, ички аудит тадбири ҳисоботи лойиҳасига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

86. Ички аудит объекти томонидан ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи билан биргаликда таклиф ва тавсиялар асосида чора-тадбирлар

режаси тузилади ҳамда ички аудит объекти раҳбари томонидан тасдиқланади.

87. Ички аудит объектининг чора-тадбирлар режаси мазкур Қўлланманинг 5-иловасида* келтирилган шаклга мувофиқ тузилади ва ички аудит тадбири ҳисоботига илова қилинади.

88. Чора-тадбирлар режасида ички аудит тадбири ҳисоботида келтирилган таклиф ва тавсияларни бажариш учун тадбирлар белгиланади ҳамда ушбу тадбирларни амалга ошириш учун масъул шахслар ва тадбирларни амалга ошириш муддатлари кўрсатилади.

89. Ички аудит тадбири ҳисоботи ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи ҳамда ички аудит объекти раҳбари ва молиявий-хўжалик фаолияти бўйича масъул шахслар томонидан имзоланади.

90. Ички аудит объекти раҳбари ва молиявий-хўжалик фаолияти бўйича масъул шахслар ички аудит тадбири ҳисоботини имзолашдан бош тортган тақдирда, ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи томонидан бу тўғрисида далолатнома тузилади ва ички аудит тадбири ҳисоботига илова қилинади.

91. Ички аудит тадбири ҳисоботи мазкур Қўлланманинг 6-иловасида* келтирилган шаклда икки нусхада тузилади ҳамда ички аудит объектида ва ички аудит хизматида сақланади.

Бунда, ички аудит тадбири ҳисоботи вазирлик ва идора раҳбарига унинг сўровига мувофиқ тақдим этилиши мумкин.

92. Ички аудит тадбири ҳисоботи тасдиқлангандан сўнг уч иш куни ичида белгиланган тартибда «Давлат аудити» дастурий комплексига киритилади.

5-боб. Чора-тадбирлар режасининг бажарилишини мониторинг қилиш

93. Ички аудит хизмати ички аудит объектлари томонидан чора-тадбирлар режаси бажарилишининг мониторингини олиб боради.

Бунда, ички аудит хизмати томонидан мониторингни олиб бориш учун масъул ходим(лар) тайинланади.

94. Ички аудит объекти ҳар чоракда берилган таклиф ва тавсияларнинг бажарилиши бўйича ички аудит хизматига маълумот тақдим этади.

Бунда, маълумот билан биргаликда таклиф ва тавсияларнинг бажарилишини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади.

95. Ички аудит объекти томонидан ички аудит хизматига тақдим этиладиган маълумотда таклиф ва тавсияларнинг бажарилиш ҳолати, уларнинг бажарилмаслиги сабаблари ҳамда бажарилмаган таклиф ва тавсияларнинг муддатларини ўзгартириш тўғрисидаги сўров кўрсатилади.

96. Ички аудит объекти ички аудит хизматидан чора-тадбирлар режасида кўрсатилган муайян тадбирни амалга ошириш муддатини ўзгартириш тўғрисида фақат бир марта сўров юбориши мумкин.

* 5-6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бунда, ички аудит хизмати томонидан чора-тадбирлар режасига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги сўровни қабул қилиш ёки рад этиш ҳақида асослантирилган ҳолда қарор қабул қилинади.

97. Ички аудит объекти томонидан чора-тадбирлар режасининг бажарилиши тўғрисида белгиланган муддатларда маълумот тақдим этилмаган, шунингдек, ички аудит объекти томонидан чора-тадбирлар режаси бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, ички аудит хизмати томонидан бу тўғрисида вазирлик ва идора раҳбарига маълумот киритилади.

98. Ички аудит объектларининг чора-тадбирлар режаларини бажарилиши бўйича маълумотлари асосида ички аудит хизмати томонидан мазкур Қўлланманинг 7-илоvasидаги* шаклга мувофиқ Ички аудит объектлари томонидан чора-тадбирлар режасининг бажарилиши ҳақидаги маълумот шакллантирилади.

99. Ички аудит объектлари томонидан чора-тадбирлар режасининг бажарилиши ҳақидаги маълумот ички аудит хизмати фаолияти тўғрисида ҳисоботга киритилади.

6-боб. Яқуний қоида

100. Мазкур Қўлланма талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

* 7-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

480 Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш услубиятини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3407*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 36-моддасига мувофиқ **буюраман:**

1. Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш услубияти иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директорнинг
биринчи ўринбосари**

А. ХАСАНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 21 ноябрь,
2-2022-сон

Келишилди:

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Н. ХУСАНОВ

2022 йил 25 октябрь

**Иқтисодий тараққиёт ва
камбағалликни қисқартириш вазири**

Д. КУЧКАРОВ

2022 йил 16 ноябрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 декабрда эълон қилинган.

*Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири*

Ш. ШЕРМАТОВ

2022 йил 31 октябрь

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси раиси*

К. РАФИКОВ

2022 йил 27 октябрь

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини
ривожлантириш агентлиги директорининг
2022 йил 21 ноябрдаги 2-2022-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг
самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш
УСЛУБИЯТИ**

Ушбу Услугият Давлат фуқаролик хизмати татбиқ қилинадиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхатига киритилган ташкилотларда давлат фуқаролик хизматчисини рағбатлантириш, холисона ва адолатли мезонлар асосида хизматда лавозим бўйича кўтарилишини таъминлаш мақсадида унинг фаолияти самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Услугиятнинг амал қилиши Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимлардаги давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш бўйича давлат органининг ўз ички тартибини белгилашга нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Услугиятнинг амал қилиши давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг сиёсий гуруҳига тааллуқли давлат фуқаролик хизматчиларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июлдаги ПҚ–5189-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ва 2021 йил 24 августдаги ПҚ–5230-сон «Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари ўринбосарларининг уларга юкланган вазифаларни бажаришда шахсий масъулиятини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 июлдаги 467-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари

раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазибаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва 2021 йил 28 августдаги 548-сон «Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари ўринбосарларининг функционал вазибалари ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига асосан фаолият самарадорлигини баҳолашнинг алоҳида тартиби белгиланган давлат органлари ва лавозимларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Усулбиятда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат органи — Давлат фуқаролик хизмати татбиқ қилинадиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхатига киритилган давлат ҳокимият ваколатларига эга бўлган ташкилий жиҳатдан алоҳида тузилма;

энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (бундан буён матнда ЭМСК деб юритилади) — давлат фуқаролик хизматчиси томонидан функционал вазифа ва мажбуриятлари ижро этилишининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш учун қўлланиладиган ва миқдоран ўлчаш мумкин бўлган баҳолаш индикаторлари;

занжир услуби — давлат органи раҳбари ўринбосари фаолиятининг ЭМСКни вертикал тизим бўйича ўзига бўйсунувчи давлат органи марказий аппаратининг таркибий тузилмалари, шунингдек ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотлари ҳамда уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларининг бутун иерархияси бўйлаб изчиллик асосида тақсимлаш орқали баҳоланувчи раҳбарларнинг индивидуал ЭМСКни ишлаб чиқиш тартиби;

ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари — ҳисобот даври учун ишлаб чиқиладиган ва эришилиши кўзланаётган режавий кўрсаткичлар;

индивидуал ЭМСК — ҳисобот даврида давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини тавсифлайдиган кўрсаткичлар рўйхати;

амалдаги ЭМСК — баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси томонидан ҳисобот даврида индивидуал ЭМСКга ҳақиқатда эришилганлиги кўрсаткичи;

йиғма ЭМСК — баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг натижаси;

ЭМСКнинг вазни — вазибаларнинг муҳимлиги, мураккаблиги ва уларни бажаришга сарфланадиган вақтдан келиб чиқиб, индивидуал ЭМСКнинг умумий максимал балдаги улуши (аҳамияти);

давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини ЭМСК асосида баҳолаш тизими (бундан буён матнда Баҳолаш тизими деб юритилади) — давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини унинг индивидуал ЭМСКга эришиш натижасига қараб баҳолаш бўйича комплекс чора-тадбирлар йиғиндиси;

баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси — фаолият самарадорлиги индивидуал баҳоланадиган давлат фуқаролик хизматчиси;

бевоcита раҳбар — баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси бевоcита бўйсунувда бўлган мансабдор шахс;

юқори турувчи раҳбар — баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчисининг бевосита раҳбари тўғридан-тўғри бўйсунадиган мансабдор шахс;

баҳолаш интервьюси — баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчисига юклатилган вазифа ва функцияларнинг амалга ошириш жараёни ва бажарилиши сифатини баҳолаш бўйича унинг бевосита раҳбари томонидан индивидуал тартибда ўтказиладиган суҳбат;

Баҳолаш тизимининг ягона электрон платформаси (бундан буён матнда Ягона электрон платформа деб юритилади) — давлат органининг таркибий тузилмалари, шунингдек ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотлари ҳамда уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари, шу билан бирга ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг ўринбосарлари (бундан буён матнда баҳоланувчи раҳбар деб юритилади) фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини, шунингдек улар ва давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш натижаларини акс эттирувчи ҳамда маълумот алмашинувини назарда тутувчи «Давлат фуқаролик хизмати ягона электрон ахборот-таҳлил тизими» дастурий-аппарат комплексидаги автоматлаштирилган ахборот тизими.

3. Давлат органида давлат фуқаролик хизматчиларини баҳолаш қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

давлат органи раҳбари ўринбосари фаолиятининг ЭМСКни «занжир услуби» асосида тақсимлаш орқали баҳоланувчи раҳбар фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш;

ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ва амалдаги ЭМСКни, шунингдек давлат фуқаролик хизматчиларини рағбатлантириш чорасини қўллаш ҳақидаги маълумотларни доимий равишда Ягона электрон платформага киритиб бориш;

ЭМСКга эришилиши бўйича доимий мониторинг олиб бориш.

4. Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятини ЭМСК мувофиқ баҳолаш бўйича давлат органларида электрон платформа мавжуд бўлган тақдирда, мазкур платформа Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан келишилган ҳолда Ягона электрон платформага интеграция қилинади.

5. Баҳолаш тизимининг асосий тамойиллари:

боғлиқлилик — баҳоланувчи раҳбар фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари давлат органи раҳбари ўринбосари фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқ бўлиши;

ишончлилик — амалдаги ЭМСКни тегишли маълумотлар билан тасдиқлаш ҳамда ушбу маълумотларнинг келиб чиқиш манбасини текшириш имкониятининг мавжуд бўлиши;

адолатлилик — ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари мавжуд ресурс ва ваколатларга мувофиқ бўлган ҳолда ишлаб чиқилиши, баҳолаш ва унинг натижалари бўйича қўлланиладиган рағбатлантириш чоралари асосли бўлиши.

5. Баҳоланувчи раҳбар фаолияти ЭМСК қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

аниқлиги, эришиш кўзланаётган ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари аниқ белгиланиши, шунингдек прогноз қилинаётган натижа ва кутилаётган ижобий ўзгаришлар аниқ белгиланиши;

ўлчанадиган бўлиши, ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун муайян шартли бирликларда ўлчаш мумкин бўлган кўрсаткичлардан фойдаланишни назарда тутиши;

эришиш мумкинлиги, ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари мавжуд ресурс ва ваколатларга мувофиқ бўлиши;

вақт чегарасининг мавжудлиги, прогноз қилинаётган натижаларга эришишнинг аниқ муддатлари белгиланиши;

компетентлиги, баҳоланувчи раҳбар фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари уларнинг вазифалари ва жавобгарлиги доирасида бўлиши;

мақсадлилиги, баҳоланувчи раҳбар фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари давлат органининг асосий вазифаларини амалга оширишдан кутилаётган натижаларга эришишга йўналтирилганлиги.

2-боб. Баҳолаш тизимининг босқичлари

6. Давлат органида Баҳолаш тизимини амалга ошириш қуйидаги босқичлардан иборат:

а) биринчи босқич — давлат органида мазкур Услугият асосида Баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи ҳужжатни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш:

Баҳолаш тизими жорий этиладиган таркибий тузилмалар, шунингдек ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотлар ва уларнинг таркибий бўлинмаларининг, шу билан бирга лавозимларнинг рўйхатини;

ЭМСКга қўйиладиган талаблар, уларни ишлаб чиқиш ва ҳисоблаш тартибини;

Баҳолаш тизимини жорий этиш ва ишлашини мониторинг қилиш бўйича масъул таркибий тузилмани (бундан буён матнда Масъул таркибий тузилма деб юритилади) белгилашни;

баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг ЭМСКни баҳолаш натижаси бўйича рағбатлантириш чораларининг нисбатини;

ЭМСКга эришилишини ҳисоблаш даврийлигини (ойлик, чораклик, ярим йиллик, йиллик);

б) иккинчи босқич — баҳоланувчи раҳбар фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

в) учинчи босқич — давлат органи раҳбари ўринбосарлари йиғма ЭМСКларидан келиб чиқиб, баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш, шунингдек баҳоланувчи раҳбарнинг йиғма ЭМСКдан келиб чиқиб, баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш;

г) тўртинчи босқич — баҳолаш натижаларига кўра, рағбатлантириш чорасини қўллаш.

7. Давлат органида баҳоланувчи раҳбар фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш, шунингдек Баҳолаш тизими ишлашини мониторинг қилиш Ягона электрон платформада амалга оширилади.

Давлат органи томонидан баҳолаш натижалари ҳамда қўлланилган рағбатлантириш чоралари тўғрисидаги маълумотлар Масъул таркибий тузилма томонидан Ягона электрон платформага доимий равишда киритиб борилади.

3-боб. Давлат органларида Баҳолаш тизimini жорий этиш

8. Давлат органи раҳбарнинг қарори билан Баҳолаш тизimini жорий этиш ва мониторинг қилиш бўйича (қоида тариқасида, давлат органининг биринчи раҳбарига бўйсунувчи тузилмалар орасидан, маҳаллий ижроия ҳокимияти органларида Ахборот-таҳлил гуруҳлари) марказий аппаратнинг Масъул таркибий тузилмаси белгиланади.

Баҳолаш тизimini жорий этиш ва мониторинг қилиш бўйича давлат органининг ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотларида ҳам мазкур ташкилотлар раҳбарларининг қарори билан масъул таркибий тузилмалар белгиланади.

Бунда, штатлар сони 20 кишидан кам бўлган ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотларда Баҳолаш тизimini жорий этиш ва мониторинг қилиш бўйича алоҳида масъул давлат фуқаролик хизматчиси белгиланиши мумкин. Ушбу масъул таркибий тузилмалар ёки масъул давлат фуқаролик хизматчиси Баҳолаш тизimini жорий этиш ва мониторинг қилишда давлат органи марказий аппаратининг Масъул таркибий тузилмаси билан ҳамкорликда иш олиб боради.

9. Масъул таркибий тузилманинг (давлат фуқаролик хизматчисининг) Баҳолаш тизimini жорий этиш ва мониторинг қилиш доирасидаги вазифалари:

а) баҳоланувчи раҳбар фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш;

б) баҳоланувчи раҳбар фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ишлаб чиқилиши, ҳисобланиши ва баҳоланишининг мазкур Услугият асосида ишлаб чиқилган ўз ички тартибига мувофиқлигини текшириш;

в) баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш;

г) баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчисининг баҳолаш натижалари бўйича тасдиқловчи ҳужжатларни йиғиш, сақлаш ва Ягона электрон платформага киритиш (электрон шаклга ўтказилган ҳужжатлар электрон шаклда юритилади ҳамда сақланади);

д) баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчилари орасида Баҳолаш тизimini моҳияти, аҳамияти ва амалиётда тўғри қўлланиши бўйича тушунтиришлар олиб бориш.

**4-боб. ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш,
тасдиқлаш ва баҳолаш**

10. ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва баҳолаш қуйидагича амалга оширилади:

давлат органининг таркибий тузилмалари, шунингдек ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотлари ҳамда уларнинг таркибий бўлинмаларида давлат фуқаролик хизматчиси фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва баҳолаш ушбу Услугиятнинг 1-иловасига* мувофиқ схема бўйича;

маҳаллий ижроия ҳокимияти органларида давлат фуқаролик хизматчиси фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва баҳолаш ушбу Услугиятнинг 2-иловасига* мувофиқ схема бўйича.

11. Баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг индивидуал ЭМСК қуйидагиларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади:

давлат органи раҳбари ўринбосари фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини;

давлат органининг таркибий тузилмалари, шунингдек ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотларининг вазифа ва функцияларини;

юқори турувчи ва бевосита раҳбарларнинг топшириқларини.

12. Баҳоланувчи раҳбар фаолияти ЭМСКнинг таркибига давлат органи раҳбари ўринбосари фаолиятининг ЭМСКда назарда тутилмаган, уларнинг функционал вазифаси билан боғлиқ бўлган қўшимча кўрсаткичлар ҳам киритилиши мумкин.

13. Баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг индивидуал ЭМСК сони 10 тадан кўп бўлмаслиги керак.

14. ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари қуйидагилар томонидан ушбу Услугиятнинг 3-иловасидаги* Намунавий шаклга мувофиқ тасдиқланади:

давлат органи таркибий тузилмалари, шунингдек ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари давлат органи раҳбари ўринбосарлари томонидан;

ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ўринбосарлари фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари томонидан;

ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ўринбосарлари томонидан.

15. Индивидуал ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ҳисобот даври учун тасдиқланади.

Бунда, баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг ЭМСКга эришилганлиги натижалари камида ҳар ярим йилликда (давлат органи фаолиятининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, чораклик ва ойлик ҳисобот даврлари белгиланиши мумкин) баҳоланади.

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

16. Баҳоланувчи раҳбарнинг индивидуал ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларига тузатишлар киритиш (қўшимча кўрсаткич билан тўлдириш ёки индивидуал ЭМСК таркибидан айрим кўрсаткичларни чиқариш, ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларига тузатишлар киритиш) мазкур кўрсаткичларни аввал тасдиқлаган лавозимдаги мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади, бундан баҳоланувчи раҳбар ўзининг фаолияти ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларидан норози бўлганда, унинг шикоятини кўриб чиқиш натижасига кўра киритилган тузатишлар мустасно.

Бунда, баҳоланувчи раҳбарнинг индивидуал ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларига тузатишлар киритиш заруриятини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

17. Баҳоланувчи раҳбарнинг индивидуал ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларига тузатишлар киритиш ушбу Услугиятнинг 4-иловасига* мувофиқ амалга оширилади.

Аввал тасдиқланган ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларига тузатишлар киритишда баҳоланувчи раҳбар билан келишилиши шарт.

5-боб. Амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш

18. Баҳоланувчи раҳбарнинг амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш ушбу Услугиятнинг 5-иловасида* белгиланган намунавий шакл асосида қуйидагилар томонидан амалга оширилади:

аниқ кўрсаткичлар ижросини таъминлаш даражаси бўйича Масъул таркибий тузилмалар;

ижро интизомига риоя қилинганлиги бўйича ташкилий ёки ижро назорати бўйича тузилмалар;

меҳнат интизомига риоя қилганлиги бўйича инсон ресурсларини бошқариш бўйича тузилмалар.

Маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг вилоят даражасидаги баҳоланувчи раҳбарларининг амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш ушбу Услугиятнинг 5-иловасида белгиланган намунавий шакл асосида қуйидагилар томонидан амалга оширилади:

аниқ кўрсаткичлар ижросини таъминлаш даражаси бўйича Ахборот-таҳлил бошқармаси;

ижро интизомига риоя қилинганлиги бўйича Ижро интизоми назорати бўлими;

меҳнат интизомига риоя қилганлиги бўйича Ташкилий-кадрлар гуруҳи/бўлими.

Маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг туман (шаҳар) даражасидаги баҳоланувчи раҳбарларининг амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш ушбу Услугиятнинг 5-иловасида белгиланган намунавий шакл асосида қуйидагилар томонидан амалга оширилади:

аниқ кўрсаткичлар ижросини таъминлаш даражаси бўйича Масъул таркибий тузилмалар;

* 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ижро интизомига риоя қилинганлиги бўйича Ижро интизоми назорати бўлинмаси;

меҳнат интизомига риоя қилганлиги бўйича Ташкилий-кадрлар гуруҳи.

19. Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш ушбу Услугиятнинг 6-иловасида* белгиланган намунавий баҳолаш шакли асосида қуйидагилар томонидан амалга оширилади:

таркибий бўлинмага юклатилган ЭМСКга эришишдаги ҳамда вазифа ва функцияларни бажаришдаги ҳиссаси бўйича бевосита раҳбарлар;

ижро интизомига риоя қилинганлиги бўйича ташкилий ёки ижро назорати бўйича тузилмалар/Ижро интизоми назорати бўлими/бўлинмаси;

меҳнат интизомига риоя қилганлиги бўйича инсон ресурсларини бошқариш бўйича тузилмалар/Ташкилий-кадрлар гуруҳи/бўлими;

ташаббускорлиги бўйича бевосита раҳбарлар.

Давлат органи раҳбарига тўғридан-тўғри бўйсунувчи таркибий тузилмаларнинг давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятини ЭМСК асосида баҳолаш имконияти бўлган тақдирда, давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш ушбу Услугият асосида ишлаб чиқиладиган давлат органининг ички тартибига асосан амалга оширилади.

Давлат органи раҳбарига тўғридан-тўғри бўйсунувчи таркибий тузилмаларнинг давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятини ЭМСК асосида баҳолаш имконияти бўлмаган тақдирда, давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш давлат органининг ички тартибига асосан давлат органи раҳбари томонидан амалга оширилади.

Ҳисобот даври учун амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш ушбу Услугиятнинг 7-иловасида* кўрсатилган шаклга мувофиқ баҳолаш варақасини расмийлаштириш орқали амалга оширилади.

20. Баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчисининг йиғма ЭМСК:

60 балдан кам бўлганда — «қониқарсиз»;

60 балдан 80 балгача — «қониқарли»;

80 балдан 100 балгача — «яхши»;

100 балл ва ундан юқори бўлганда «аъло» деб баҳоланади.

21. ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларига эришилишини тавсифловчи амалдаги ЭМСК натижаларини ҳисоблаш қуйидаги формулаларга асосан амалга оширилади:

1) $ЭМСКЭД = (АК / МК) * 100$, кўрсаткичнинг ўсиши ижобий тенденцияни кўрсатган ҳолатларда;

2) $ЭМСКЭД = 100 + (100 - АК / МК * 100)$, кўрсаткичнинг ўсиши салбий тенденцияни кўрсатган ҳолатларда. Бунда, ушбу формула (масалан, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик даражаси, хотин-қизларга тазйиқ ва зўравонлик, оналар ва гўдаклар ўлими ҳамда бошқалар) кўрсаткичларга нисбатан қўлланилади.

Бунда:

ЭМСКЭД — ЭМСК натижадорлиги бўйича эришиш даражаси;

АК — амалдаги ЭМСК;

* 6-7-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

МК — ЭМСК мақсадли кўрсаткичи.

Ҳар бир кўрсаткичга эришилганлик учун олинган балл ЭМСКЭДни кўрсаткич вазнига кўпайтириш йўли билан ҳисобланади.

Кўрсаткич натижаси қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{ОБ} = \text{ЭМСКЭД} \cdot \text{В} / 100$$

Бунда:

ОБ — олинган балл;

В — кўрсаткич вазни.

Ҳар бир баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчисининг йиғма ЭМСК бўйича натижаси ҳар бир кўрсаткич учун олинган балларнинг йиғиндиси билан ҳисобланади:

$$\text{ЭМСКН} = \text{ОБ}_1 + \text{ОБ}_2 + \dots,$$

Бунда, ЭМСКН — ЭМСК натижаси.

6-боб. Давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини баҳолаш механизми

22. Баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси учун ЭМСК вазнининг миқдори ушбу Услугиятнинг 5 ва 6-иловаларида белгиланган намунавий баҳолаш шакллари асосида давлат органининг баҳолаш тизимини жорий этишни назарда тутувчи ҳужжатида белгиланади.

23. Давлат органи раҳбари ўринбосарига бўйсунувчи таркибий тузилмалар, ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятининг аниқ кўрсаткичлар ижросини таъминлаш даражаси бўйича ўртача ЭМСК натижалари йиғиндиси ушбу раҳбар ўринбосарига белгиланган ЭМСКнинг натижасига мувофиқ бўлиши лозим.

Давлат органи таркибий тузилмасидаги баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиларининг таркибий бўлинмага юклатилган ЭМСКга эришишдаги ҳамда вазифа ва функцияларни бажарилишидаги ҳиссаси бўйича ўртача ЭМСК натижалари йиғиндиси ушбу таркибий тузилмага белгиланган ЭМСКнинг натижасига мувофиқ бўлиши лозим.

24. Баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини ЭМСК асосида баҳолаш натижасига кўра давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ва давлат органининг ички тартибига мувофиқ унга рағбатлантириш чоралари қўлланилади ҳамда унинг ҳолисона ва адолатли мезонлар асосида хизматда лавозим бўйича кўтарилиши таъминланади.

Давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини ЭМСК асосида баҳолаш натижасига кўра «яхши» ва «аъло» деб баҳоланган тақдирда давлат органи раҳбари томонидан қуйидаги қўшимча рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин:

биринчи навбатда лавозимда ўстириладиган номзодлар қаторига кириши;

лавозимда ўстириладиган потенциал номзодлар қаторига киритиш;
малака даражасини навбатдан ташқари бериш;
номоддий тусдаги рағбатлантириш;
берилган интизомий жазо чорасини олиб ташлаш;
бошқа рағбатлантириш чоралари.

25. Амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш қўйидаги ҳолларда ўтказилмайди:

баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси иш фаолиятини бошлаганига
уч ой муддат тўлмаган бўлса;

баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси таътилда бўлган муддат да-
вомида;

баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчисининг меҳнатга лаёқатсизлик
варақасида белгиланган муддат давомида;

баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси давлат, жамият, иш берувчи
ва меҳнат жамоасининг манфаатлари юзасидан мажбуриятларни бажаришга
жалб этилганда (малака ошириш, хизмат сафари ва бошқа ҳолатлар);

баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси идоралараро ишчи гуруҳлар-
га ёки бошқа тадбирларга жалб этилганда.

Мазкур банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳо-
латларда баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчисига устама тайинлаш
олдинги ҳисобот давридаги фаолиятидаги ЭМСК учун тайинланган устама-
ларининг ўртачасидан кам бўлмаган миқдорда иш берувчи томонидан белги-
ланади.

7-боб. Баҳолаш интервьюси

26. Давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини ЭМСК асосида баҳолаш
имкони бўлмаганда, бевосита раҳбар томонидан баҳолаш интервьюси ўткази-
зилади.

27. Баҳолаш интервьюси бевосита раҳбар томонидан ойлик, чораклик,
ярим йиллик ёки йил якуни билан ўтказилиши мумкин.

28. Баҳолаш интервьюсида бевосита раҳбар томонидан баҳоланувчи дав-
лат фуқаролик хизматчиси билан индивидуал тартибда суҳбат ўтказилади ва
унинг натижаси ушбу Услугиятнинг 8-иловасига* мувофиқ баҳоланади.

Баҳолаш интервьюсида баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчисига
юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши, шахсий ташаббуслари
билан амалга оширган ишлари эътиборга олинади.

29. Баҳолаш интервьюсини қўллаш натижалари бўйича баҳоланувчи дав-
лат фуқаролик хизматчисига давлат органининг ички тартибига асосан рағ-
батлантириш чоралари қўлланилади.

8-боб. Шикоят қилиш тартиби

30. Баҳоланувчи раҳбар тасдиқланган ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичла-
ридан ва баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси амалдаги ЭМСКни ҳи-

* 8-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

соблаш ва баҳолаш натижасидан норози бўлган тақдирда юқори турувчи раҳбарга ёзма ёки электрон шаклда шикоят қилиши мумкин.

31. Баҳоланувчи раҳбар тасдиқланган ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ва баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш натижаси билан тегишли тартибда хабардор қилинган кундан эътиборан бир ой ичида шикоят қилиши мумкин.

Бунда, юқори турувчи раҳбар баҳоланувчи раҳбар ва давлат фуқаролик хизматчисини шикоят кўриб чиқилишидан беш кун олдин уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида огоҳлантиради.

32. Юқори турувчи раҳбар шикоят келиб тушган кундан бошлаб, ўн иш куни ичида мазкур шикоятни кўриб чиқиб, қарор қабул қилиши шарт.

Бунда, баҳоланувчи раҳбар ва давлат фуқаролик хизматчиси мазкур шикоятни кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

33. Баҳоланувчи давлат фуқаролик хизматчиси шикоят бўйича қарор қабул қилинганга қадар уни чақириб олишга ҳақли. Шикоятни чақириб олиш ёзма ёки электрон шаклда расмийлаштирилади.

34. Юқори турувчи раҳбар шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли:

тасдиқланган ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ва амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш натижасини ўзгаришсиз қолдириш;

тасдиқланган ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ва амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш натижасига ўзгартиришлар киритиш.

35. ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ва амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш натижаси юзасидан шикоят қилинганда шикоят рўйхатдан ўтказилган пайдан эътиборан белгиланган тартибда кўриб чиқилганга қадар ушбу ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичлари ва амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш натижаси амал қилишини ва ижро этилишини тўхтатиб турилади.

9-боб. Яқуний қоидалар

36. Давлат органи фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ушбу Услугиятда назарда тутилган баҳолаш методларини қўллаш имкони бўлмаган тақдирда, давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан келишилган ҳолда, алоҳида тартиб ва механизмларни ишлаб чиқиши мумкин.

37. Ушбу Услугият талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

481 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3408

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 августдаги 234-сон «Вазирлар Маҳкамасининг «Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарорига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 10-сон, 83-модда) билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхати 1-иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мудофаа вазири

Тошкент ш.,
2022 йил 27 декабрь,
36-сон

Б. КУРБАНОВ

Ички ишлар вазири

Тошкент ш.,
2022 йил 17 декабрь,
68ққ-сон

П. БОБОЖОНОВ

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 декабрда эълон қилинган.

Молия вазири**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 26 декабрь,
69-сон

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлигининг 2022 йил
27 декабрдаги 36-сон, Ички ишлар
вазирлигининг 2022 йил 17 декабрдаги
68ққ-сон ва Молия вазирлигининг 2022 йил
26 декабрдаги 69-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида
хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган
Ўзбекистон Республикаси фуқаролари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ф.И.О.	Туғилган йили
Қорақалпоғистон Республикаси		
1.	Чимбергенов Махсет	1949 й.
2.	Шамуратов Муратбай Хайтбаевич	1971 й.
3.	Мадреимов Садулла	1955 й.
4.	Толибаев Али	1949 й.
5.	Эримбетов Эркинбай Курбанбаевич	1950 й.
6.	Тилавов Сапарбай Аллаярович	1958 й.
7.	Хидиров Адамбай	1958 й.
8.	Абдурахманов Махмуд Ибрагимович	1958 й.
Андижон вилояти		
1.	Абдуллаев Шухратбек Солижонович	1968 й.
2.	Абдурайимов Мерган	1953 й.
3.	Кахаров Махамаджон Расулович	1956 й.
4.	Сайдалиев Саидазим Марибжонович	1965 й.
5.	Солиев Абдукарим	1950 й.
6.	Тургунов Оббосхон	1955 й.
Бухоро вилояти		
1.	Вахидов Аззам Таирович	1941 й.
2.	Гуломов Холикжон Мухаммедович	1959 й.
3.	Шарипов Эргаш Рашидович	1959 й.
4.	Шамурадов Маруф Эргашевич	1960 й.
5.	Салихов Мухитдин Сатридинович	1959 й.
Жиззах вилояти		
1.	Инатов Баходир Пардаевич	1970 й.
2.	Маматов Ахмат Рахматович	1960 й.
3.	Нормурадов Шукур	1942 й.
4.	Рахматов Абдулла	1944 й.

5.	Сирлибоев Холдор	1942 й.
6.	Суванов Гулом	1944 й.
7.	Хайдаров Ғани	1942 й.
8.	Ўролов Пўлат Камол ўғли	1947 й.
9.	Азизов Амин Хакимович	1959 й.
Қашқадарё вилояти		
1.	Махмудов Усан Аннаевич	1972 й.
2.	Эшонқулов Болта	1947 й.
Навий вилояти		
1.	Азалов Юсуф Алиевич	1970 й.
2.	Бабаев Неъматжан Рахматович	1957 й.
3.	Бекназаров Акабой	1955 й.
4.	Назаров Алим Джалилович	1933 й.
5.	Рахматов Бахтиёр Негматуллаевич	1967 й.
6.	Тожиев Рашид Халбаевич	1964 й.
7.	Красавин Анатолий Васильевич	1942 й.
Наманган вилояти		
1.	Джапарходжаев Абдулла Таджибаевич	1952 й.
2.	Абдурахимов Шухрат Абдукаримович	1955 й.
3.	Сахибов Алижон Мамедалевич	1953 й.
Самарқанд вилояти		
1.	Ахмедов Дусмухаммат Арзикулович	1947 й.
2.	Ахмедов Рахмат	1947 й.
3.	Булаков Аликул	1953 й.
4.	Ганиев Неъмат Отакулович	1949 й.
5.	Джумаев Ганишер Раимович	1962 й.
6.	Ибрагимов Насрдин Норбекович	1949 й.
7.	Исроилов Абшуккур	1947 й.
8.	Козаков Эшдавлат	1941 й.
9.	Каюпов Асхад Умирзакович	1969 й.
10.	Кравченко Анатолий Владимирович	1946 й.
11.	Худайбердиев Искандар Умбарович	1953 й.
12.	Қўчқаров Хужакул	1949 й.
13.	Қучқоров Усмон	1947 й.
14.	Мамадалиев Эркин	1949 й.
15.	Мансуров Маруфжон Евгеньевич	1947 й.
16.	Мардиев Митан	1949 й.
17.	Норбеков Саҳадин	1949 й.
18.	Норзуллаев Сайпилло	1947 й.
19.	Обруев Ҳамрокул	1945 й.
20.	Пирниязов Нурмурот	1949 й.
21.	Саттаров Пардавой	1953 й.
22.	Суяров Хамза	1949 й.
23.	Тоҳиров Абулқосим Даминович	1947 й.
24.	Тухсанов Ташкент	1947 й.
25.	Убайдуллаев Эшпулат	1953 й.
26.	Усманов Шарифбой Шодманович	1959 й.
27.	Усмонов Урол Ахмадович	1949 й.

28.	Хакимов Абдурашид	1947 й.
29.	Хасанов Эркин	1949 й.
30.	Химматов Нурилло Хафизович	1967 й.
31.	Хусанов Усман Хандамович	1963 й.
32.	Хушвактов Мамарахим	1947 й.
33.	Ялгашев Нуриддин	1949 й.
34.	Назирбердиев Кулмурад	1946 й.
35.	Митанов Эшназар	1949 й.
36.	Курдашов Беркин Курдашович	1946 й.
37.	Раззоқов Исмоил Иргашович	1954 й.
38.	Элибоев Бобокул	1953 й.
39.	Расулев Қаҳромон Ирназарович	1954 й.
40.	Ахтамов Бахром	1954 й.
41.	Каримов Абдикахор	1953 й.
42.	Махмудов Рауф	1948 й.
43.	Гичунц Валерий Мушехович	1947 й.
44.	Шомуратов Очил	1953 й.
45.	Абдиганиев Холмирза	1949 й.
46.	Бурханов Сурман	1949 й.
47.	Давилов Сайткул	1949 й.
48.	Қабиллов Искандар Сиддиқович	1949 й.
49.	Қувондиқов Али Жўраевич	1953 й.
50.	Қабиллов Чоршамбой Алимович	1954 й.
51.	Муратов Раҳматилло	1947 й.
52.	Орипов Маруп	1949 й.
53.	Тоштемиров Шодмон	1949 й.
54.	Уразов Норбай Қандахарович	1945 й.
55.	Хакимов Бурон Каршиевич	1949 й.
56.	Холназаров Ашир Эшатович	1949 й.
57.	Шуқуров Сайдазим Муротович	1948 й.
58.	Солихуджаев Ботирхон	1949 й.
59.	Аббазов Асрал	1953 й.
60.	Қадилов Ходикул Амонович	1949 й.
61.	Шамурзаев Ахрор	1953 й.
62.	Турсинов Базарбой Абдисаламович	1960 й.
Сурхондарё вилояти		
1.	Юсупов Курбанмурат Мирзаевич	1964 й.
2.	Джураев Бабакул	1947 й.
3.	Хидилов Сафар Алмарданович	1947 й.
4.	Суховетченко Юрий Борисович	1947 й.
5.	Хужаназаров Жура Аманович	1947 й.
6.	Муратов Усман Худайшуқурович	1947 й.
7.	Каршиев Чори	1947 й.
8.	Худайназаров Азам Абдуллаевич	1947 й.
9.	Қурбанов Абдулло	1946 й.
Сирдарё вилояти		
1.	Османов Ибрагим Абдурашитович	1959 й.
2.	Расулов Турдибай Каршибаевич	1947 й.

3.	Салихов Курбанбай Сайпович	1958 й.
4.	Турдыбеков Марат	1945 й.
5.	Ташметов Рахимбек Гаипович	1942 й.
6.	Ражабалиев Мирзаали	1950 й.
Тошкент вилояти		
1.	Айнабеков Эркинбек Мелдебекович	1971 й.
2.	Ан Валентин Енденович	1946 й.
3.	Ахмедов Иброхим Раҳманович	1971 й.
4.	Бабамуратов Раҳим Ишанович	1960 й.
5.	Давранов Тўлқин	1946 й.
6.	Жўраев Баходир Исакович	1972 й.
7.	Ибрагимов Қоршибой	1940 й.
8.	Иванцов Сергей Иванович	1943 й.
9.	Исламходжаев Муродходжа Мухамадходжаевич	1967 й.
10.	Исмагулов Саиткарим	1947 й.
11.	Мавлонов Қодиркул Оқбоевич	1962 й.
12.	Мадьяров Гуломдин	1956 й.
13.	Пинаев Сергей Иванович	1950 й.
14.	Пирматов Тойир Агзамович	1945 й.
15.	Сайдазимов Хамидулло Сайдумарович	1941 й.
16.	Суннатов Рихсибай	1951 й.
17.	Тожибоев Боходир Мирсоатович	1962 й.
18.	Тўлаганов Мухидин Махкамбоевич	1962 й.
19.	Умурзаков Эркин	1947 й.
20.	Хожимухамедов Абдижаббор	1947 й.
21.	Хасилов Тўлқин Алимович	1962 й.
22.	Эгамбердиев Бахтиёр Махамаджанович	1970 й.
23.	Эшанов Нарходжа Ганиевич	1957 й.
24.	Юнусов Ильхам	1947 й.
25.	Юсупджанов Абдусалам	1951 й.
26.	Рустамов Дароб Эргашевич	1950 й.
27.	Абдувалиев Абдужаббор	1948 й.
28.	Жўраев Бахтиёр Облоқулович	1950 й.
29.	Турдимуратов Аширвай	1950 й.
30.	Жамилов Миркомил	1950 й.
31.	Акбаров Бозар	1950 й.
32.	Жўраев Жамол	1950 й.
33.	Вакиев Халил	1950 й.
34.	Исмоилов Саидгани	1950 й.
35.	Рискибоев Атхамбой	1950 й.
36.	Дадахўжаев Сайфулла	1950 й.
37.	Суннатов Хақимбой	1950 й.
38.	Жўрабоев Йўлдашвай	1950 й.
39.	Кабиров Хусен	1950 й.
40.	Сатиболдиев Абдували	1950 й.
41.	Каримов Абдишошим	1950 й.
42.	Нуралиев Нуриддин Турдиевич	1950 й.
43.	Жалалов Йўлдош Ўринхожаевич	1949 й.

44.	Гопуров Ақром Ғаниевич	1950 й.
45.	Аманов Мирағзам	1949 й.
46.	Позилев Мирсаид	1950 й.
47.	Мусурмонқулов Абдуназар Ниёзалиевич	1950 й.
48.	Абдивойитов Тўлаган	1950 й.
49.	Анарқулов Авалбай	1950 й.
50.	Иргашев Абдуллахон	1949 й.
51.	Каланов Срожитдин	1950 й.
52.	Мирхаитов Миржўра	1950 й.
53.	Мамадалиев Шерали Анварович	1950 й.
54.	Нуритдинов Асатилла Тиллабаевич	1950 й.
55.	Рахматов Орифжон Алимович	1950 й.
56.	Сапаров Ражабқул Маҳкамович	1950 й.
57.	Солиев Эргашбой	1949 й.
58.	Соатов Шухрат Учқунович	1950 й.
59.	Убайдуллаев Султанбай	1950 й.
60.	Усмоналиев Обидали	1950 й.
61.	Юнусов Пайзивай Ортиқович	1947 й.
62.	Ғайзуллаев Карамали	1950 й.
63.	Северов Александр Аркадиевич	1950 й.
64.	Маспаров Юнусбек	1946 й.
Ғарғона вилояти		
1.	Омонов Набижон Абдужалилович	1970 й.
2.	Аскарлов Юнусали Мехмонқузиевич	1971 й.
3.	Ерматов Толиб Холматович	1961 й.
4.	Қадиров Жума Ибрагимович	1968 й.
5.	Каримов Мухтор Марипович	1967 й.
6.	Кобилов Музаффар Комилович	1965 й.
7.	Кулдашев Фахриддин Юсупович	1972 й.
8.	Курбонов Абдуғани Абдувалиевич	1966 й.
9.	Махсудов Мухтор Махмудович	1964 й.
10.	Маматов Азамат Акрамжонович	1964 й.
11.	Маматов Бахтиярходжа Ходиходжаевич	1964 й.
12.	Мелибоев Мирзаакрам Комилович	1968 й.
13.	Мелибоев Шухратжон Маликжонович	1964 й.
14.	Мирвалиев Зафаржон Рахмонович	1971 й.
15.	Номозов Носир Кимсанович	1965 й.
16.	Норбоев Мирзали Асқарович	1961 й.
17.	Носиржонов Рузиматжон Зокирович	1963 й.
18.	Нурматов Аъзамжон Эшматович	1970 й.
19.	Нурматов Шарифжон Обидович	1970 й.
20.	Салиев Азамжон Мамаджанович	1968 й.
21.	Салиев Сабиржон Гуламович	1966 й.
22.	Солиев Улмасали Якубович	1958 й.
23.	Суворов Борис Николаевич	1937 й.
24.	Умаров Алижон Акбарович	1965 й.
25.	Умаров Бахтиёр Тожиматович	1973 й.
26.	Хайдаров Махмуд Назирович	1959 й.

27.	Хайитов Муроджон Носирович	1952 й.
28.	Хамракулов Закирджон Кадиорович	1962 й.
29.	Хасанов Мирзаакбар Мухамаджонович	1972 й.
30.	Шомуратов Вохобжон Холматович	1967 й.
31.	Эгамбердиев Мамиржон Абдуллаевич	1960 й.
32.	Щеголев Александр Николаевич	1956 й.
33.	Рахимов Махмуджон	1941 й.
34.	Машарипов Қосимжон	1947 й.
Хоразм вилояти		
1.	Джуманиязов Бахром Сатимбаевич	1963 й.
Тошкент шаҳри		
1.	Абдидов Азиз Туляганович	1932 й.
2.	Абушаев Ахметсафа Закерьяевич	1950 й.
3.	Азизов Вагиф Аминага-огли	1956 й.
4.	Ванякин Виктор Петрович	1940 й.
5.	Вахидов Рашид	1939 й.
6.	Гладков Владимир Владимирович	1967 й.
7.	Гулямов Амон Махсудович	1943 й.
8.	Исакова Надежда Михайловна	1948 й.
9.	Казакбаев Агзам Захитович	1934 й.
10.	Маргун Алексей Иванович	1949 й.
11.	Недобежкин Владимир Алексеевич	1946 й.
12.	Погосова Светлана Юрьевна	1960 й.
13.	Пулатов Мирсагдулла Мирзаалимович	1940 й.
14.	Пўлатов Рустамжон	1949 й.
15.	Савиных Валентин Федорович	1947 й.
16.	Хаккулов Зокир Бахромович	1962 й.
17.	Хасанов Зиёмидин Гуламидинович	1951 й.
18.	Хасанов Могсум Мерденович	1951 й.
19.	Хасанов Фирутдин Нуруллаевич	1940 й.
20.	Яшузаков Амир Батирович	1960 й.
21.	Ольховик Виктор Иванович	1938 й.
22.	Тагаев Сайиткул Журакулович	1945 й.
23.	Коршун Владимир Петрович	1949 й.
24.	Абдулов Илсуяр Шафигович	1950 й.
25.	Ботсманов Владимир Григоревич	1948 й.
26.	Макаров Сергей Михайлович	1947 й.
27.	Юнкова Маргарита Гиниятовна	1949 й.
28.	Гиязов Фаттах Паязович	1959 й.
29.	Касимов Мирза-Насир Муратович	1960 й.
30.	Глазунов Владимир Иванович	1959 й.
31.	Алишеров Бердиер Сайтханович	1960 й.

Изоҳ: Республика бўйича жами 247 киши.».

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлигининг 2022 йил
27 декабрдаги 36-сон, Ички ишлар
вазирлигининг 2022 йил 17 декабрдаги
68ққ-сон ва Молия вазирлигининг 2022 йил
26 декабрдаги 69-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 2016 йил 12 майдаги 4, 17 ва 32-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2789, 2016 йил 23 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 21-сон, 241-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 2017 йил 1 мартдаги 6, 5 ва 19-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2870, 2017 йил 24 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 12-сон, 191-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 1 мартдаги 11, 21 ва 50-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2978, 2018 йил 9 март) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.03.2018 й., 10/18/2978/0875-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 2019 йил 18 мартдаги 12, 24 ва 41-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3151, 2019 йил 12 апрель) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.04.2019 й., 10/19/3151/2925-сон).

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 2020 йил 28 майдаги 30, 49 ва 22-сон «Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3249, 2020 йил 22 июнь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.06.2020 й., 10/20/3249/0792-сон).

6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2021 йил 29 апрелдаги 21-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 28 апрелдаги 22ққ-сон, Молия вазирлигининг 2021 йил 27 апрелдаги 25-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3306, 2021 йил 28 май) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.05.2021 й., 10/21/3306/0502-сон).

7. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 28 мартдаги 10-сон, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 19 мартдаги 14ққ-сон ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 28 мартдаги 8-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3362, 2022 йил 8 апрель) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.04.2022 й., 10/22/3362/0321-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**482** Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-12*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон «Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 20 августдаги 65-сон буйруғи (рўйхат рақами 2146, 2010 йил 11 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 40-41-сон, 356-модда) билан тасдиқланган Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 9 декабрь,
67-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2022 йил 9 декабрдаги
67-сон буйруғига
ИЛОВА

**Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 74-банддаги «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасини» деган сўзлар «Чегара қўшинларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 104-банддаги «тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари» деган сўзлар «тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 175 ва 176-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«175. 47 11 100 «Нафақалар» элементи ўз ичига ишсизлик бўйича нафақа (47 11 110 элементи), вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси (47 11 120 элементи), бола туғилгани учун нафақа (47 11 130 элементи), дафн этиш маросими учун нафақа (47 11 140 элементи), ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси (47 11 150 элементи), ногиронлиги бўлган боласини тар-

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 29 декабрда эълон қилинган.

биялаётган ишловчи ота-онанинг бирига (васийга, хомийга) бола ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар ойига қўшимча бир дам олиш куни учун нафақа (47 11 160 элементи), болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга нафақа (47 11 170 элементи) ҳамда пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган шахсларга ва меҳнатга лаёқатсизларга нафақалар (47 11 180 элементи)ни олади.

176. 47 11 400 «Пенсиялар» элементи давлат пенсиялари ва бошқа тўловларни (47 11 410 элементи) ўз ичига олади.».

4. 1-иловада:

1) 2 005 2 2 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«2 007 0 0 Молия вазирлиги ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармаси;

2 007 1 0 Республика маблағлари»;

2) 3 028 0 0 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси»;

3) 3 031 0 0 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Халқ таълими вазири жамғармаси»;

4) 3 053 2 2 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«3 054 0 0 Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси;

3 054 1 0 Республика маблағлари;

3 054 2 0 Ҳудудий маблағлар;

3 054 2 1 Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари;

3 054 2 2 Туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар;

3 055 0 0 Тўқимачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси;

3 055 1 0 Республика маблағлари;

3 056 0 0 Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси;

3 056 1 0 Республика маблағлари;

3 056 2 0 Ҳудудий маблағлар;

3 056 2 1 Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари;

3 056 2 2 Туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар»;

5) 4 028 2 1 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«4 700 0 0 Вазирлик, қўмита ва идоралар таркибидаги унитар корхоналар маблағлари;

4 700 1 0 Республика маблағлари;

4 700 2 0 Ҳудудий маблағлар;

4 700 2 1 Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари;

4 700 2 2 Туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар».

5. 2-иловада:

1) 3 331 222 қаторнинг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат пенсиялари ва бошқа тўловлар»;

2) 3 331 223, 3 331 224, 3 331 229 — 3 331 237 қаторлар чиқариб ташлансин;

3) 3 422 111 қатордаги «Паспорт» деган сўз «Идентификацияловчи ID-карта» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 3-иловада:

1) 10 237 қатордан кейин қўйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«10 240 Кўкдала тумани»;

2) 12 408 қатордан кейин қўйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«12 412 Фозгон шаҳри»;

3) 35 207 қатордан кейин қўйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«35 209 Бўзатов тумани».

7. 4-иловада:

1) 7 011 312 қатордан кейин қўйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 011 313 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси»;

2) 7 017 110 қатордан кейин қўйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 017 111 Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан бюджет ссудаси бўйича ҳисобланган фоиз тўловлари»;

3) 7 018 108 қатордан кейин қўйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«7 018 109 Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига ҳисобидан ажратилган ўрта муддатли ссудалар»;

7 018 110 Шаҳарлар ва туманлар бюджетларидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига қайтарилган ўрта муддатли ссудалар»;

4) 7 018 342 қатордаги «Ишламайдиган пенсионерларга пенсияларни» деган сўзлар «Давлат пенсиялари ва бошқа тўловларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 7 018 343 ва 7 018 344 қаторлар чиқариб ташлансин;

6) 7 035 100 қатордаги «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита-

сини» деган сўзлар «Чегара қўшинларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 7 041 907 қатордаги «Тадбиркорликни» деган сўз «Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 7 041 910 қатордаги «Ўзбекистон Республикаси Стратегик ривожланиш агентлигини» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлигини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 7 049 996 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 049 997 Ҳоким ёрдамчилари тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш харажатлари»;

10) 7 065 400 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 065 500 Янги Ўзбекистон боғи ҳудудларини сақлаш ва ободонлаштириш харажатлари»;

11) 7 076 400 қатордаги «Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари» деган сўзлар «Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) 7 096 529 қатор чиқариб ташлансин;

13) 7 098 904 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 098 905 Президент таълим муассасалари агентлигининг ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари»;

14) 7 102 401, 7 102 402 ва 7 102 403 қаторлар чиқариб ташлансин;

15) 7 102 413 қатордаги «Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси» деган сўзлар «Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) 7 102 417 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 106 330 Юридик шахсларда ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари (бюджет ташкилотларидан ташқари)».

8. 5-иловада:

1) 43 55 300 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«43 55 400 Давлат бошқаруви тизимини рақамлаштириш»;

2) 47 11 160 қатордаги «олти» деган сўз «саккиз» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) 47 11 170 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга нафақа»;

4) 47 11 170 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«47 11 180 Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган шахсларга ва меҳнатга лаёқатсизларга нафақа»;

5) 47 11 410 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат пенсиялари ва бошқа тўловлар»;

6) 47 11 420, 47 11 430 ва 47 11 440 қаторлар чиқариб ташлансин.

9. 5а-иловада:

1) 43 55 300 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«43 55 400 Давлат бошқаруви тизимини рақамлаштириш»;

2) 47 11 160 қатордаги «олти» деган сўз «саккиз» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) 47 11 170 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга нафақа»;

4) 47 11 170 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«47 11 180 Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган шахсларга ва меҳнатга лаёқатсизларга нафақа»;

5) 47 11 410 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат пенсиялари ва бошқа тўловлар»;

6) 47 11 420, 47 11 430 ва 47 11 440 қаторлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

483 **Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекцияси тўғрисида низомнинг 13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2077-3

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Маданият вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2010 йил 13 январдаги 10-8/125 ва 1-ҚҚ-сон қарори (рўйхат рақами 2077, 2010 йил 4 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 5-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекцияси тўғрисида низомнинг 13-бандидаги «давлат стандартининг» деган сўзлар «миллий стандартининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор 2023 йил 5 ноябрдан эътиборан кучга киради.

**Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири**

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 21 декабрь,
236-мх-сон

Маданият вазири

О. НАЗАРБЕКОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 12 декабрь,
1-ҚҚ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 30 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР МИЛЛИЙ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

484 Кripto-активлар айланмаси соҳасида тартибга солиш махсус режимида («Тартибга солиш қумдони» махсус режими) иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3409*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3150-сон «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2018 йил 3 июлдаги ПҚ–3832-сон «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **бюраман:**

1. Кripto-активлар айланмаси соҳасида тартибга солиш махсус режимида («Тартибга солиш қумдони» махсус режими) иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2022 йил 28 декабрь,
68-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 30 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги ди-
ректорининг 2022 йил 28 декабрдаги
68-сон буйруғига
ИЛОВА

**Крипто-активлар айланмаси соҳасида тартибга солиш
махсус режимида («Тартибга солиш қумдони» махсус режими)
иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Крипто-активлар айланмаси соҳасида тартибга солиш махсус режимида («Тартибга солиш қумдони» махсус режимида) (бундан буён матнда махсус режим деб юритилади) иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиш, тажриба-синов лойиҳаларининг амалга оширилишини мониторинг қилиш, махсус режим иштирокчиларини мақомидан маҳрум қилиш ҳамда махсус режим иштирокчиларининг реестрини юритиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

махсус режим — крипто-активлар айланмаси соҳасидаги технологияларни жорий этаётган юридик шахслар учун алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, тажриба-синов лойиҳаларини синовдан ўтказиш ва амалиётга жорий этишда юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларда энгиллик яратиш жараёни;

тажриба-синов лойиҳаси — крипто-активлар айланмаси соҳасидаги янги технологияларни синовдан ўтказиш ва тажриба тариқасида амалга ошириш учун лойиҳа;

махсус режим иштирокчиси — махсус режим иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган ва тажриба-синов лойиҳаларини амалга оширувчи юридик шахс;

махсус режим иштирокчиларининг реестри (бундан буён матнда реестр деб юритилади) — рўйхатдан ўтказилган махсус режим иштирокчилари ва улар томонидан амалга ошириладиган тажриба-синов лойиҳалари ҳақидаги маълумотлар акс эттириладиган, ҳамма фойдаланиши учун очиқ бўлган ахборот ресурси;

аризачи — махсус режим иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун ариза билан мурожаат қилган юридик шахс;

мижозлар — тажриба-синов лойиҳалари доирасида махсус режим иштирокчиси билан шартномавий муносабатларни ўрнатаётган жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан чет эллик жисмоний ва юридик шахслар;

охирги бенефициар мулкдор — аризачини бевосита ёки билвосита таъсис этувчи ёхуд унинг устав жамғармасидаги (капиталидаги) улушларига (акцияларига) бевосита ёки билвосита эгаллик қилувчи ёхуд ушбу шахсга бе-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

восита ёки билвосита эгалик қиладиган ёхуд уни назорат қиладиган жисмоний шахс.

2. Махсус режим иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) томонидан мазкур Низомнинг 1-илоvasида* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

3. Агентликнинг махсус режим иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган аризаларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва тажриба-синов лойиҳаларини мониторинг қилиш бўйича вазифалари унинг ишчи органи — Агентликнинг Крипто-активлар айланмаси соҳасида тартибга солиш махсус режими («Тартибга солиш қумдони») шуъбаси (бундан буён матнда ишчи орган деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

4. Ишчи орган:

аризачининг махсус режим иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларини қабул қилади, рўйхатдан ўтказиши ва кўриб чиқади;

таклиф этилаётган тажриба-синов лойиҳалари бўйича тақдим этилган аризалар, ҳужжатлар ва маълумотларни Агентликнинг бошқа таркибий бўлинмалари билан биргаликда ўрганеди;

тажриба-синов лойиҳаларини амалга оширишда истисно қилинаётган қонуности ҳужжатларининг тегишли нормалари рўйхатини шакллантиради;

махсус режим иштирокчилари томонидан амалга ошириладиган тажриба-синов лойиҳалари доирасида тузиладиган хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар (оферталар, битимлар)нинг максимал қиймати ва мижозларнинг чекланган сонини келишиб беради;

аризачилар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижаси бўйича махсус режим иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳақидаги хулосани Агентлик раҳбари (ўринбосари)га киритади;

тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризаларни қабул қилади ва кўриб чиқади;

реестрни юритади;

махсус режим иштирокчиларини ташкилий-ҳуқуқий ва консултив жиҳатдан қўллаб-қувватлайди;

тажриба-синов лойиҳалари амалга оширилишини мониторинг қилади, самарадорлигини баҳолайди ҳамда уларни амалга оширишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш бўйича таклифларни Агентлик раҳбари (ўринбосари)га киритади;

тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш доирасида махсус режим иштирокчиларига берилган имтиёз ва преференциялар ҳисобини олиб боради;

махсус режим иштирокчиси мақомидан маҳрум қилиш ва амалга ошириладиган тажриба-синов лойиҳаларини тугатиш ҳақидаги таклифларни Агентлик раҳбари (ўринбосари)га киритади.

5. Аризачилар томонидан тақдим этилган ариза ва ҳужжатларни кўриб чиқиш ҳамда махсус режим иштирокчисини рўйхатдан ўтказиш учун йиғим ундирилмайди.

2-боб. Махсус режим иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш талаблари ва шартлари

6. Махсус режим доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида: крипто-активларни тўлов воситаси сифатида қабул қилиниши ёки фойдаланилиши;

аноним крипто-активлар билан операциялар, аноним крипто-активлар майнинги ҳамда яширин майнингни амалга оширилиши тақиқланади.

7. Қўйидагилар махсус режим иштирокчиларининг охириги бенефициар мулкдорлари ва раҳбарияти (раҳбари ва ўринбосарлари) бўлиши мумкин эмас:

террористик фаолиятда ёки оммавий қирғин қуролиларини тарқатишда иштирок этган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар;

иктисодий жиноятлар, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризм, оммавий қирғин қуролиларини тарқатиш, уларни молиялаштириш, уюшган жиноятчилик, гиёҳванд моддалар ноқонуний савдоси, коррупция ва ахборот технологиялари билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун судланганлиги олиб ташланмаган шахслар;

бенефициар мулкдорлари, бошқарув органлари аъзолари имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операцияларни ўтказишда ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлат ва ҳудуднинг резиденти бўлган, шундай давлат ва ҳудудда яшайдиган ёки рўйхатдан ўтган шахслар.

8. Махсус режим доирасида тажрибадан ўтказиладиган ва фойдаланиладиган крипто-активлар айланмаси соҳасидаги технологиялар (махсулотлар, хизматлар) Ўзбекистон Республикасида ноёб бўлиши ёки крипто-активлар айланмаси соҳасидаги технологиялардан фойдаланишда инновацион ёндашув қўлланилиши лозим.

9. Махсус режим иштирокчилари тажриба-синов лойиҳаларини крипто-активлар айланмаси соҳасида лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олмасдан амалга оширадilar.

10. Тажриба-синов лойиҳаларини махсус режим доирасида амалга ошириш муддати уч йилдан ошмаслиги лозим.

Белгиланган муддат ўтгач Агентлик тажриба-синов лойиҳаларини махсус режим доирасидан чиқариш мақсадида амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида (тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш натижалари ижобий баҳоланган тақдирда) тегишли муносабатларни тартибга солиш учун тегишли нормаларни тарқатиш ёхуд тегишли асосларни кўрсатган ҳолда тажриба-синов лойиҳасини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

3-боб. Аризани тақдим этиш ва кўриб чиқиш

11. Махсус режим иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтиш учун аризачи мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклдаги ариза ҳамда қуйидаги маълумотлар ва ҳужжатларни Агентликка тақдим этади:

мазкур Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ шаклдаги анкета;

тажриба-синов лойиҳаси доирасида хизмат кўрсатиш бўйича тузиладиган шартномалар (оферталар, битимлар) қиймати ва мижозларнинг сони;

тажриба-синов лойиҳаси доирасида эришилиши режалаштирилган аниқ мақсадли кўрсаткичлар назарда тутилладиган бизнес-режа;

юридик шахс (аризачи)нинг низоми ва бошқа таъсис ҳужжатлари;

аризачининг раҳбарияти (раҳбари ва ўринбосарлари) ҳамда таъсисчилари чет эл фуқаролари бўлганда, мазкур Низомнинг 7-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган жиноятлар бўйича тегишли хорижий мамлакатнинг ваколатли органидан олинган судланмаганлиги ҳақидаги маълумотнома;

аризачининг раҳбарияти (раҳбари ва ўринбосарлари) ҳамда таъсисчилари ҳақидаги мазкур Низомнинг 4-иловасида* келтирилган маълумотлар. Бунда, таъсисчилар ҳақидаги маълумотлар охириги бенефициар мулкдоргача кўрсатилади.

Аризачи томонидан тажриба-синов лойиҳасида иштирок этишга мижозларнинг ёзма розиликлари Агентликка тақдим этилиши мумкин.

Аризачининг раҳбарияти (раҳбари ва ўринбосарлари) ҳамда охириги бенефициар мулкдорлари Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлганда, Агентлик мазкур Низомнинг 7-банди иккинчи — тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолатларни мустақил тарзда, шу жумладан «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали текширади.

12. Мазкур Низомнинг 11-бандида назарда тутилган ҳужжатлар аризачининг раҳбари томонидан тасдиқланиши (имзоланиши) керак.

Электрон шаклда тақдим этиладиган маълумотлар юқори сифатда ва «PDF», «PNG» ёки «JPEG» форматларда бўлиши лозим.

13. Аризачи томонидан тақдим этиладиган бизнес режада махсус режим доирасида тажрибадан ўтказиладиган ва фойдаланиладиган крипто-активлар айланмаси соҳасидаги технологиялар (маҳсулотлар, хизматлар) Ўзбекистон Республикасида ноёб ҳисобланиши ёки крипто-активлар айланмаси соҳасидаги технологиялардан фойдаланишда инновацион ёндашув қўлланилиши кўрсатилиши лозим.

14. Агентлик ариза келиб тушган кундан бошлаб йигирма иш куни ичида аризачини махсус режим иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Ариза ва тақдим этилган ҳужжатларни тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда қўшимча равишда текшириш талаб қилинган тақдирда, ишчи органнинг таклифига кўра аризани кўриб чиқиш муддати Агентлик раҳбари

* 2 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(ўринбосари) томонидан ўн иш кунига узайтирилиши мумкин. Бу ҳақда аризачи шу куннинг ўзида хабардор қилинади.

15. Ишчи орган ариза ва тақдим этилган ҳужжатларни ўн беш иш куни, қўшимча ўрганиш талаб этилганда йигирма беш иш куни ичида кўриб чиқади ҳамда кўриб чиқиш натижаси бўйича хулосани Агентлик раҳбари (ўринбосари)га тақдим этади.

16. Ишчи орган аризани кўриб чиқиш жараёнида тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш учун қонуности ҳужжатларининг тегишли нормаларини истисно қилиш талаб этилиши ёки талаб этилмаслигини аниқлайди.

Тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш учун қонуности ҳужжатларининг тегишли нормаларини истисно қилиш талаб қилинганда, ишчи орган тегишли ваколатли органлар билан маслаҳатлашувлар ўтказиши ҳамда хулосада тажриба-синов лойиҳасини амалга оширишда истисно қилинадиган қонуности ҳужжатларининг тегишли нормаларини кўрсатади.

17. Ишчи орган томонидан хулоса киритилган кундан бошлаб беш иш куни ичида Агентлик раҳбари (ўринбосари) томонидан аризачини махсус режим иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади.

18. Аризачини махсус режим иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш куйидаги ҳолатларда рад этилади:

аризачи мазкур Низомнинг 6 — 8-бандларида кўрсатилган талабларга мувофиқ бўлмаганда;

аризачи махсус режим иштирокчиси томонидан тажрибадан ўтказилаётган ва фойдаланилаётган крипто-активлар айланмаси соҳасидаги технологиялар (маҳсулотлар, хизматлар)ни таклиф этганда;

тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда.

19. Махсус режим иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш рад этилган тақдирда, бу ҳақда аризачига ишчи орган томонидан рад этиш асослари кўрсатилган ҳолда бир иш куни ичида хабарнома юборилади.

20. Аризачи рад этиш асосларини бартараф этган ҳолда хабарномани олган кундан бошлаб ўттиз кун ичида такроран ариза бериши мумкин.

Такроран берилган ариза бўйича ўн иш куни ичида аризачини махсус режим иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган муддат ўтганидан сўнг такроран тақдим этилган аризалар ушбу Низомда белгиланган тартибда умумий асосларда кўриб чиқилади.

21. Махсус режим иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, ишчи орган бир иш куни ичида тегишли маълумотларни реестрга киритади ва аризачига хабарнома юборади.

Бунда, рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарорда махсус режим доирасида тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш учун қўйиладиган талаблар ва шартлар белгиланади.

Ишчи орган рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида аризачини мазкур қарор билан ёзма равишда таништиради ҳамда тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш талаблари ва шартларига риоя қилинмаган тақдирда, махсус режим иштирокчиси мақомидан маҳрум қилиниши тўғрисида огоҳлантиради.

4-боб. Тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш муддатини узайтириш, реестрга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

22. Махсус режим иштирокчисига тажриба синов-лойиҳасини амалга ошириш учун дастлабки ўн икки ой муддат берилади.

23. Махсус режим иштирокчиси тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш муддатини узайтириш истаги бўлган тақдирда, бу ҳақидаги ариза билан мазкур муддат тугашидан ўттиз кун олдин Агентликка мурожаат қилади.

24. Ишчи орган аризани, у келиб тушган кундан бошлаб ўн иш куни ичида кўриб чиқади ва тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш муддатини узайтириш мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги хулосани Агентлик раҳбари (ўринбосари)га киритади.

Ишчи орган томонидан хулоса киритилган кундан бошлаб беш иш куни ичида Агентлик раҳбари (ўринбосари) томонидан тажриба-синов лойиҳасининг амалга ошириш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади ҳамда бу ҳақда махсус режим иштирокчисига бир иш куни ичида хабарнома юборилади.

25. Агентлик қўйидаги ҳолатларда тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш муддатини узайтиришни рад этиши мумкин:

тажриба-синов лойиҳасини амалиётга жорий этиш учун қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида қарор қабул қилиш учун етарли маълумотлар олинганда;

бизнес-режанинг аниқ мақсадли кўрсаткичларига эришилмаганда.

Тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш муддатини узайтириш рад этилган тақдирда, махсус режим иштирокчиси ўн календарь кун ичида лойиҳани амалга оширишни тугатиши лозим.

26. Тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, унинг муддати ўн икки ойга узайтирилади. Бунда, тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш муддати мазкур Низомнинг 10-банди биринчи хатбошисида кўрсатилган муддатдан ошмаслиги лозим.

27. Махсус режим иштирокчиси ўзгартирилган, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, махсус режим иштирокчиси ёхуд унинг ҳуқуқий вориси қайта давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин беш иш куни ичида Агентликка реестрга ўзгартиришни киритиш учун тегишли ўзгартиришлар тўғрисидаги маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза бериши шарт.

Агентлик аризани қабул қилгандан сўнг икки иш куни ичида реестрга тегишли ўзгартиришларни киритади.

5-боб. Тажриба-синов лойиҳаларини мониторинг қилиш ва махсус режим иштирокчисини мақомидан маҳрум қилиш

28. Ишчи орган махсус режим иштирокчилари томонидан тажриба-синов лойиҳаларининг амалга оширилиши ҳамда махсус режим талаблари ва шартларига риоя қилиниши устидан доимий мониторингни амалга оширади.

29. Махсус режим иштирокчилари ҳар ойда ўз фаолияти ҳамда уларга берилган имтиёз ва преференциялардан фойдаланилиши бўйича Агентлик томонидан тасдиқланган шаклдаги ҳисоботларни кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар Агентликка тақдим этади.

30. Махсус режим иштирокчиси мақомидан маҳрум қилиш ва тажриба-синов лойиҳасини тугатиш учун қўйидагилар асос ҳисобланади:

тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш учун белгиланган муддатнинг тугаши;

махсус режим иштирокчисининг махсус режим иштирокчиси мақомидан воз кечиш тўғрисидаги аризаси;

махсус режим иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар ва (ёки) тажриба-синов лойиҳалари бўйича берилган ҳисоботларда ёлгон маълумотлар берилганлиги;

тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш талаблари ва шартларининг бузилиши;

тажриба-синов лойиҳалари бўйича ҳисоботлар мазкур Низомнинг 29-бандида белгиланган муддатда тақдим этилмаганлиги;

тажриба-синов лойиҳасини амалга оширишда учинчи шахслар билан тузилган шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги;

суд қарорига асосан махсус режим иштирокчиси тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилиши;

махсус режим иштирокчиси (раҳбарияти ва ходимлари) томонидан тажриба-синов лойиҳаларини амалга оширишда қонунчилик талабларига риоя этилмаганлиги натижасида ҳуқуқбузарлик (жиноят) содир этилганлиги.

31. Мазкур Низомнинг 30-бандида кўрсатилган ҳолатлар аниқланган кундан бошлаб уч иш куни ичида Агентлик томонидан махсус режим иштирокчисини махсус режим иштирокчиси мақомидан маҳрум қилиш ҳамда амалга оширилаётган тажриба-синов лойиҳасини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

32. Ишчи орган махсус режим иштирокчиси мақомидан маҳрум қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш куни ичида реестрга тегишли маълумотларни киритади ҳамда бу ҳақда тегишли юридик шахсни хабардор қилади.

6-боб. Махсус режим иштирокчиларининг реестрини юритиш

33. Реестр ишчи орган томонидан юритилади ва унда қўйидагилар кўрсатилади:

махсус режим иштирокчисининг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жой-

лашган ери (почта манзили), электрон почта манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), телефон рақами;

махсус режим иштирокчисининг рўйхатдан ўтказиш рақами ва санаси;

махсус режим иштирокчисини махсус режим иштирокчиси мақомидан маҳрум қилиш асослари ва санаси;

тажриба-синов лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар ва уларни амалга ошириш муддати;

тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш муддатини узайтириш, реестрга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш асослари ва санаси.

34. Реестрда мавжуд бўлган маълумотлар Агентликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади.

7-боб. Яқуний қоидалар

35. Махсус режим иштирокчиси махсус режим доирасида Агентлик томонидан қабул қилинган қарорлар устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

36. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

485 «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3028-6*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/21-сон «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.07.2018 й., 10/18/3028/1418-сон) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 1 декабрь,
27/14-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил
1 декабрдаги 27/14-сон қарорига
ИЛОВА

«Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Қарор муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**».

2. Йўриқномада:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 31 декабрда эълон қилинган.

1) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Йўриқнома тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилиш тартибини белгилайди.»;

2) қўйидаги мазмундаги 11-банд билан тўлдирилсин:

«11. Мазкур Йўриқнома мақсадлари учун тижорат банки, банк ва банк филиали деганда қонунчиликда ўрнатилган тартибда Банк депозиторларининг миллий ахборот базасида хос рақам (уникал код)га эга бўлган тижорат банки филиаллари, амалиёт бошқармалари, банк хизматлари офислари (марказлари) ва бошқа алоҳида бўлинмалар тушунилади.»;

3) 10-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

4) 41-банднинг иккинчи хатбошидаги «Экспертизага қабул қилинган банкнот ва тангалар» деган сўзлар «Экспертизага қабул қилинган банкнотлар, тангалар ва бошқа бойликлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 58-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

6) 107-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«107. Банк кассирлари томонидан ўраб-боғланган нақд пул боғламлари қайта саналганида касса хатоликлари яъни, камомад ёки ортиқча пуллар аниқланса, мазкур Йўриқноманинг 21-иловасига мувофиқ 145-шаклдаги нақд пул боғлами, дастаси (қопчадаги тангалар) орасидан аниқланган камомад (шу жумладан, тўловга ярқисиз, қалбаки) ёки ортиқча пуллар бўйича тузилган далолатнома расмийлаштирилади. Бунда:

ортиқча пуллар аниқланса, 145-шаклдаги далолатнома икки нусхада расмийлаштирилиб (биринчи нусха кунлик касса ҳужжатларига тикилади, иккинчи нусха хатоликка йўл қўйган банкка жўнатилади), ортиқча пуллар суммаси уни аниқлаган банк фойдасига кирим қилинади;

камомадга йўл қўйилганлиги аниқланса, 145-шаклдаги далолатнома уч нусхада расмийлаштирилади (биринчи нусха кунлик касса ҳужжатларига тикилади, иккинчи нусха хатоликка йўл қўйган банкка, учинчи нусха хатоликка йўл қўйган банкнинг Бош банккага жўнатилади) ва камомад суммаси хатоликка йўл қўйган банк кассирдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириб олинади (камомад суммаси далолатномани тақдим этган банкка нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали тўлаб берилади);

пул боғламида қалбаки пул аниқланса, 145-шаклдаги далолатнома тўрт нусхада расмийлаштирилади, далолатноманинг тўртинчи нусхаси туман (шаҳар) Ички ишлар бўлинмасига жўнатилади. Аниқланган қалбаки пул бўйича мазкур Йўриқноманинг 81-банди талабларига мувофиқ чоралар кўрилиши лозим.»;

7) 126-бандда:

саккизинчи хатбошидаги «тўқ жигарранг йўлли бўлиши шарт.» деган сўзлар «тўқ жигарранг йўлли;» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«200 000 сўмлик банкнотлар учун — эни 15 мм бўлган иккита сариқ йўлли бўлиши шарт.»;

тўққизинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

8) 133-банддаги «Давлат белгиси» ДУК» деган сўзлар «Давлат белгиси» давлат унитар корхонаси (бундан буён матнда «Давлат белгиси» ДУК деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 145-банднинг иккинчи хатбошисидаги «(ёки сурғучланган)» деган сўзлар «(ёки сурғучланган ёхуд мижознинг пломбири билан пломбаланган)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 147-банднинг иккинчи хатбошисидаги «(сурғучланганлиги)» деган сўз «(сурғучланганлиги) ёки пломбаланганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) 163-бандда:

иккинчи хатбошидаги «кунлик касса ҳужжатлари» деган сўзлар «кунлик касса ҳужжатлари, томонлар ўртасида ўзаро тузилган шартномага асосан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «инкассация хизмати ёки банклар ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати бўлинмалари ўртасида тузилган шартномага асосан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш хизмати кузатуви» деган сўзлар «ўзаро шартномага асосан инкассация хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати (банк автомашинасидан фойдаланган ҳолда) ёки «Республика махсус алоқа боғламаси» давлат унитар корхонаси (бундан буён матнда «Республика махсус алоқа боғламаси» ДУК деб юритилади) хизмати кузатуви» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саққизинчи — ўнинчи хатбошилардаги «инкассация хизмати ёки Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш хизмати» деган сўзлар «инкассация хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш хизмати (банк автомашинасидан фойдаланган ҳолда) ёки «Республика махсус алоқа боғламаси» ДУК хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) 173-банднинг биринчи хатбошиси ва 178-банддаги «Банкоматлардаги нақд пуллар» деган сўзлар «Банкоматлар ва бошқа ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ускуналаридаги нақд пуллар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 203-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«203. Банк раҳбари, бош бухгалтер ва касса мудири моддий жавобгар шахслар ҳисобланиб, уларга пул омборларидаги нақд пул ва бошқа қимматликларнинг бут сақланиши, дахлсизлигини таъминлаш вазифалари юклатилади. Моддий жавобгар шахслар пул омбори эшигини шахсан иштирок этган ҳолда, биргаликда очиб-ёпишлари шарт.

Пул омбори эшигини моддий жавобгар шахсларнинг биометрик белгиларини идентификация қилиш орқали очиб-ёпиш 226-банд талабларига тўлиқ жавоб берса, моддий жавобгарлик банк бошқаруви раисининг буйруғига асосан банк раҳбарининг ўрнига унинг ўринбосари зиммасига юклатилиши мумкин. Бунда, банк раҳбари моддий жавобгар шахсларнинг фаолиятини умумий назоратга олиши лозим.

Банк бошқарув раиси ўзгарганда, аввалги раиснинг моддий жавобгарликни банк бўлинмасининг ўринбосари зиммасига юклаш тўғрисидаги буйруғи

янги тайинланган банк бошқарув раиси томонидан бир ой муддатда қайта қўриб чиқилиб, янгиланиши лозим.

Пул омборига эга бўлмаган тижорат банкларининг алоҳида бўлинмаларида, шунингдек, штатлар бирлигида алоҳида бўлинма раҳбари, бош бухгалтер ва касса мудирлари лавозимлари мавжуд бўлмаган ҳолларда, нақд пул ва бошқа қимматликларни бут сақланишини таъминлаш бўйича моддий жавобгарлик, банкнинг тегишли буйруғига асосан, мазкур банк бўлинмасининг бошқа лавозимдаги ходимлари зиммасига юклатилиши ҳамда улар билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилиши лозим.»;

14) 205-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банкнинг моддий жавобгар шахслари ишда бўлган вақтда пул омборидаги нақд пул ва бошқа қимматликларнинг бут сақланиши учун жавобгарликни бошқа ходимлар зиммасига юкланишига рухсат этилмайди.»;

15) 214-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«214. Банк пул омборидаги нақд пул ва бошқа қимматликлар бутлигини таъминлаш, назоратдан ўтказиш мақсадида пул омборидаги нақд пул ва бошқа қимматликлар ҳар ойнинг 1 санасига мазкур банк кассирлари томонидан тўлиқ қайта саналган бўлиши лозим.»;

16) 219-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «Марказий банкка топшириладиган нақд пуллар захираси» деган сўзлар «Марказий банкка топшириладиган «эскирган» тоифадаги нақд пуллар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«пул омборидаги сақлаш учун қабул қилинган қимматликлар, қатъий ҳисобда турувчи бланкларни 90303 — «Давлатнинг қимматли қоғозлари бланклари», 90305 — «Марказий банкнинг қимматли қоғозлари бланклари», 90317 — «Бошқа ташкилот ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланклари», 90327 — «Банкнинг қимматли қоғозлари бланклари», 90337 — «Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари», 90993 — «Кафолат ва кафилликлар», 93609 — «Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар», 93616 — «Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари», 93623 — «Шартли тарзда сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари», 94501 — «Гаров сифатида олинган қимматли қоғозлар», 94502 — «Гаров сифатида олинган мулклар ва мулкрий ҳуқуқ талаблар», 94503 — «Гаров сифатида олинган кафолат ва кафилликлар» балансдан ташқари ҳисобварақларида ҳисоби юритиладиган қатъий ҳисобда турувчи бланклар ҳамда сақлаш учун қабул қилинган қимматликлар қолдиқлари билан ҳамда 171-шаклдаги китобда қайд этилган ёзувларга мос келишини текширишлари шарт.»;

17) 226-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

18) 250-банднинг «б» кичик банди ва 331-банднинг биринчи хатбошисидаги «банк раҳбари» деган сўзлар «банк раҳбари (ёки моддий жавобгарлик юклатилган унинг ўринбосари)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) 267-банднинг иккинчи хатбошиси ва 268-банднинг учинчи хатбошидаги «Ортиқча нақд пул» деган сўзлар «Нақд пулларни қайта ҳисоблашда аниқланган ортиқчалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) 282-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги олинishi лозим бўлган маблағлар» деган сўзлар «Олинishi лозим бўлган маблағлар — Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) 297-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Тўловга яроқсиз банкнот ва тангалар» деган сўзлар «Йўқ қилиш учун муомаладан қайтариб олинган тўловга яроқсиз банкнот ва тангалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) қуйидаги мазмундаги 327¹-банд билан тўлдирилсин:

«327¹. «Республика махсус алоқа боғламаси» ДУК томонидан бир банк бўлинмалари ўртасида нақд пул ва қимматликлар банк билан тузилган шартнома асосида хавфсизлик чоралари кўрилган ҳолда ташилади.»;

23) 4-илова қуйидаги мазмундаги изоҳ қисми билан тўлдирилсин:

«Изоҳ: Мазкур бланкдаги реквизитларга банклар томонидан қўшимча реквизитлар ҳам киритилиши мумкин.»;

24) 25-илованинг 3-бандида:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2021 йил намунасидаги 10 000, 20 000 ва 50 000 сўмлик банкнотлар учун катак майдони 147 х 69 мм.ни;»;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«2021 йил намунасидаги 100 000 сўмлик ва 2022 йил намунасидаги 200 000 сўмлик банкнотлар учун катак майдони 152 х 69 мм.ни ташкил этади.»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

486 Ички ишлар органларининг банклардаги ҳисобварақларидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш мақсадида нақд миллий ва чет эл валютасини олиш, улардан фойдаланиш, сақлаш ҳамда қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3410*

Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Марказий банки **қарор қилади:**

1. Ички ишлар органларининг банклардаги ҳисобварақларидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш мақсадида нақд миллий ва чет эл валютасини олиш, улардан фойдаланиш, сақлаш ҳамда қайтариш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 22 ноябрь,
63-ққ-сон

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 11 ноябрь,
362-В-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 31 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил
22 ноябрдаги 63-ққ-сон ва Марказий
банкни бошқарувининг 2022 йил 11 ноябрдаги
362-В-сон қарорига
ИЛОВА

**Ички ишлар органларининг банклардаги ҳисобварақларидан
тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш мақсадида нақд миллий ва
чет эл валютасини олиш, улардан фойдаланиш, сақлаш
ҳамда қайтариш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом ички ишлар органларининг банклардаги ҳисобварақларидан тезкор-қидирув тадбирларни ўтказиш мақсадида нақд миллий ва чет эл валютасини (кейинги ўринларда нақд пуллар деб юритилади) олиш, улардан фойдаланиш, сақлаш ва қайтариш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

тезкор-қидирув тадбирлари — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус ваколат берилган ички ишлар органлари ходимлари томонидан ўтказиладиган тадбирлар;

нақд пуллар — банкнот кўринишидаги миллий ҳамда чет эл валютасидаги пуллар.

2. Ички ишлар органларига уларнинг банклардаги ҳисобварақларидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун нақд пуллар банклар томонидан мазкур ҳисобварақларда мавжуд маблағлар доирасида берилади.

**2-боб. Тезкор-қидирув тадбирлари учун банклардан нақд
пулларни олиш тартиби**

3. Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан уларнинг ҳисобварақлари очилган банкка белгиланган тартибда расмийлаштирилган нақд пул чеки (кейинги ўринларда нақд пул чеки деб юритилади) тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг молия-иқтисод бўлинмалари томонидан нақд пулларни банклардан олишда нақд пул чеки асос бўлади.

4. Нақд пулларни банк кассасидан олиш учун молия-иқтисод бўлинмаларининг масъул ходими томонидан хизмат гувоҳномаси кўрсатилган ҳолда нақд пул чеки билан биргаликда масъул ходимнинг пул маблағларини олиш ваколатини тасдиқловчи ҳужжатнинг аслига тўғрилиги тасдиқланган нусхаси банкка тақдим этилади.

Нақд пуллар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун ички ишлар органларининг банклардаги ҳисобварақларида мавжуд маблағлар доирасида нақд пул чекида қайд этилган сумма миқдориди берилади.

5. Тезкор-қидирув тадбирлари учун банкдан олинган ёки банкка қайтариб топшириладиган нақд пуллар бўйича мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ икки нусхада далолатнома тузилади.

Бунда, чет эл валютасидаги банкнотлар бўйича далолатномага чет эл валютасидаги банкнотларнинг номинал қиймати, серияси ва рақамлари тўлиқ кўрсатиладиган рўйхат илова қилинади.

6. Ички ишлар органларининг банклардаги ҳисобварақларида чет эл валютасидаги маблағлари мавжуд бўлмаганда, ички ишлар органлари ҳамда банклар ўртасида ихтиёрий асосда тузиладиган шартномага мувофиқ банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан тезкор қидирув тадбирларини ўтказиш учун нақд чет эл валютасида маблағлар берилиши мумкин.

Бунда, банклар томонидан ихтиёрий равишда тезкор қидирув тадбирларини амалга ошириш учун ажратилган чет эл валютасидаги маблағлардан фойдаланиш ва уларни қайтариш тартиби ушбу шартномада белгиланади.

3-боб. Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун олинган нақд пулларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби

7. Олинган нақд пуллар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг молия-иқтисод бўлинмаларида алоҳида сейфларда сақланади.

8. Нақд пулларни сақлаш, фойдаланишга топшириш, мақсадли ишлатиш ва тезкор-қидирув тадбирлари якунида уларни қабул қилиб олиш ҳамда мазкур нақд пулларни банкка тўлиқ ва ўз вақтида қайтариб топширишга тезкор-қидирув хизматининг бошлиқлари ва ички ишлар органлари раҳбарлари жавобгардирлар.

9. Олинган нақд пулларни сақлаш бўйича ички ишлар органлари раҳбари томонидан белгиланган тартибда тегишли ички ҳужжат қабул қилинади.

10. Тезкор-қидирув тадбирларида фойдаланиш учун нақд пуллар тезкор-қидирув хизмати бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан имзоланган сўровда кўрсатилган тезкор-қидирув хизматининг масъул ходимига тегишли далолатнома расмийлаштирилган ҳолда тақдим этилади.

11. Тезкор-қидирув тадбирларида фойдаланиш учун қабул қилинган нақд пулларни ишлатиш, уларни бут ва яроқли ҳолда сақлаш ҳамда қайтаришга нақд пулларни қабул қилиб олган, тезкор-қидирув тадбирларида иштирок этувчи масъул ходим жавобгардир.

12. Тезкор-қидирув тадбирларида фойдаланилган нақд пуллар суд ҳукми (ажрим) қонуний кучга киргунга қадар ашёвий далил сифатида тезкор-қидирув хизматида алоҳида, яъни мазкур тадбирда фойдаланилмаган бошқа нақд пуллардан ажратилган ҳолда сақланиши лозим.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4-боб. Нақд пулларни банкларга қайтариш тартиби

13. Тезкор-қидирув тадбирлари учун олинган нақд пуллар ички ишлар органлари томонидан тезкор-қидирув тадбирлари яқунланганидан сўнг банкларга қайтарилади.

Бунда, нақд пуллар криминалистик ишловдан тозаланган ҳолда банк кассасига топширилади.

14. Тезкор-қидирув тадбирларида фойдаланилган нақд пуллар жиноят ишлари бўйича ашёвий далил деб эътироф этилганда, мазкур пулларни банкка қайтариш масаласи суднинг қонуний кучга кирган ҳукми (ажрими) ёхуд суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ишни тугатиш тўғрисидаги қарорларига асосан ҳал этилади.

Бунда, нақд пуллар юқорида қайд этилган қарорлар қонуний кучга кирган ҳамда ички ишлар органларининг молия-иқтисод бўлинмаларига тақдим этилган вақтдан бошлаб беш иш куни ичида банк кассасига қайтариб топширилиши шарт.

15. Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш мақсадида банк кассасидан олинган нақд пуллар муайян сабабларга кўра тўловга яроқсиз ҳолга келтирилган ёки йўқотилган тақдирда, ушбу нақд пулларни айбдор шахслардан қонунда белгиланган тартибда ундириш масаласини қонуний ҳал этиш учун тезкор-қидирув хизматининг бошлиқлари ва ички ишлар органлари раҳбарлари масъул ҳисобланади.

16. Ички ишлар органлари молия-иқтисод бўлинмаларининг масъул ходими томонидан нақд пуллар банк кассасига қайтариб топширилганда, мазкур пуллар олинган вақтда расмийлаштирилган далолатнома асосида банкнинг масъул шахслари иштирокида қабул қилинади ҳамда қабул қилиб олинган нақд пуллар тўлиқ қайтарилганлиги ҳақида мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ икки нусхада далолатнома тузилади.

Бунда, чет эл валютасидаги банкнотлар бўйича далолатномага чет эл валютасидаги банкнотларнинг номинал қиймати, серияси ва рақамлари тўлиқ кўрсатиладиган рўйхат илова қилинади.

Далолатноманинг биринчи нусхаси банкда сақланади ҳамда кирим касса ордери билан бирга кирим касса ҳужжатларига тикилади. Кирим касса ордерининг ва тузилган далолатноманинг иккинчи нусхаси ички ишлар органларига берилади.

17. Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш мақсадида банкдан нақд пулларни олиш ва қайтариб топшириш мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ юритиладиган журналда қайд этиб борилади.

5-боб. Яқуний қоида

18. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 19 декабрдаги 2022-39-сон «Қўшилган қиймат солиғи тўловчиларни махсус ҳисобга қўйиш тизимида этил спирти ҳамда алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун солиқ хавфи мезонларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3405.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 22 ноябрдаги 63-сон «Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3406.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг 2022 йил 21 ноябрдаги 2-2022-сон «Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш услубиятини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3407.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 27 декабрдаги 36-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 17 декабрдаги 68ққ-сон ва Молия вазирлигининг 2022 йил 26 декабрдаги 69-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3408.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 9 декабрдаги 67-сон «Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-12.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 21 декабрдаги 236-мх-сон ҳамда Маданият вазирлигининг 2022 йил 12 декабрдаги 1-ҚҚ-сон «Почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекцияси тўғрисида низомнинг 13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2077-3.

7. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 28 декабрдаги 68-сон «Крипто-активлар айланмаси соҳасида тартибга солиш махсус режимида («Тартибга солиш қумдони» махсус режими) иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3409.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 1 декабрдаги 27/14-сон «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3028-6.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 22 ноябрдаги 63-ққ-сон ва Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 11 ноябрдаги 362-В-сон «Ички ишлар органларининг банклардаги ҳисобварақларидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш мақсадида нақд миллий ва чет эл валютасини олиш, улардан фойдаланиш, сақлаш ҳамда қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3410.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 2016 йил 12 майдаги 4, 17 ва 32-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2789, 2016 йил 23 май).

2022 йил 28 декабрда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 2017 йил 1 мартдаги 6, 5 ва 19-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объект-

ларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2870, 2017 йил 24 март).

2022 йил 28 декабрда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 1 мартдаги 11, 21 ва 50-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2978, 2018 йил 9 март).

2022 йил 28 декабрда давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 2019 йил 18 мартдаги 12, 24 ва 41-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3151, 2019 йил 12 апрель).

2022 йил 28 декабрда давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 2020 йил 28 майдаги 30, 49 ва 22-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3249, 2020 йил 22 июнь).

2022 йил 28 декабрда давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2021 йил 29 апрелдаги 21-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 28 апрелдаги 22ққ-сон, Молия вазирлигининг 2021 йил 27 апрелдаги 25-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3306, 2021 йил 28 май).

2022 йил 28 декабрда давлат реестридан чиқарилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2022 йил 28 мартдаги 10-сон, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 19 мартдаги 14ққ-сон ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 28 мартдаги 8-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўз-

бекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3362, 2022 йил 8 апрель).

2022 йил 28 декабрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

